Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 14 (20. 581) 1990 йил 17 январь, чоршанба Баҳоси 3 тийин.

ЯНА МАВСУМ ЧОРЛАЙДИ

ҚИСҚА МУДДАТДА

Бекобод районидаги «Далварзин» совхози бош устахонасида баҳорги экиш кампаниясига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Хўжаликда 409 та комплект борона, 28 та экиш сеялкаси, 26 та ҳайдов, 30 та чопиқ тракторлари, 7 та диска, 5 та гредер ремонти графикдан 15 кун олдин адо этилди. Устахонада узоқ йилдан бери ҳалол меҳнат қилиб келаётган Сафар Солиев, Валерий Прагедонка, Олим Кенжабоев сингари тажрибали созловчилар барчага ибрат бўлишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, совхозда баҳорги экиш мавсумига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ерларга агротехника қоидаларига кўра сифатли ишлов бериш, ариқзовурларни тартибга солиш ишлари намунали олиб борилмоқда.

У. МУҲАМЕДОВ.

ДОЛЗАРБ КУНЛАР

Ўлкамизда қиш чилласи давом этмоқда. Бундай пайтда одатда деҳқонларимиз янги мавсумга ҳозирлик кўришади. Ишбилармон деҳқонлар ана шу кунлардаёқ экин майдонларини кўкламга яхши ҳозирлайдилар. Улар ерларга минерал ва маҳаллий ўғитлар бериш, яхоб суви тараш ишларини қизитиб юборишади. Айниқса, деҳқон қаноти ҳисобланган техника ремонтига эътибор кучайтирилган жойларда муваффақият ҳам куттириб қўймайди.

Москва районидаги «Правда» колхози деҳқонлари ҳам ана шундай қилмоқдалар. Улар бу йил 1500 гектардан зиёд майдонга чигит экишни мўлжаллашмоқда. Уларнинг нияти — ҳар гектар майдондан 35 центнердан ҳосил олиш. Айни кунларда хўжаликнинг марказий ремонт устахонасида қизғин ишлар олиб борилмоқда. Бу ишда моҳир механизатор Омонжўра Мусаев пешқадамлик қилмоқда. У ўз агрегатини кўкламга барвақт шайлаб қўйиб, бошқаларга ҳам ёрдам бермоқда.

Суратда: моҳир механизатор Омонжўра Мусаев.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ суратн.

СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси

15 январь куни Кремлда СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Мажлисда Тоғли Қорабоғ автоном областида ва бошқа баъзи районларда фавқулодда ҳолат эълон қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. СССР ички ишлар министри В. В. Бакатин, СССР Бош прокурори А. Я. Сухарев, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Крючков, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Э. М. Кафарова, Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. М. Восканян ахборот бердилар. Масалани муҳокама қилишда Р. О. Бозорова, В. С. Шевченко, М. Р. Сагдиев, В. Е. Курташин, В. Г. Кучеренко, Ю. И. Бородин, Г. С. Таразевич, Ч. Айтматов, А. И. Лукьянов, Н. И. Рижков қатнашдилар.

Муҳокама натижалари юзасидан СССР Олий Совети Президиуми «Тоғли Қорабоғ автоном областида ва бошқа баъзи районларда фавқулодда ҳолат эълон қилиш тўғрисида» Фармон қабул этди. Фармон матбуотда эълон қилинади.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ТОҒЛИ ҚОРАБОҒ АВТОНОМ ОБЛАСТИДА ВА БОШҚА БАЪЗИ РАЙОНЛАРДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми шуни қайд этадики, кўрилган чора-тадбирларга қарамай, Озарбайжон ССРнинг Тоғли Қорабоғ автоном областидаги ва унинг теварагидаги вазият нормаллашиши бир ёқда турсин, ҳатто ёмонлашиб бормоқда. Турли миллатчи ва айирмачи бирлашмаларнинг ҳаракатлари анча кучайди, улар гиж-гижловчилик ишини олиб бориб, аҳолининг тобора кенг табақаларини қаршилик кўрсатишга жалб этмоқдалар. Экстремистлик кайфиятидаги гуруҳлар оммавий тартибсизликларни чиқариб, иғвогарлик қилиб, иш ташлашларни уюштирмоқдалар, миллий адоват ва ғаниматликни авж олдирмоқдалар. Улар сурбетларча жиноий ҳаракатларни амалга оширмоқдалар, кўчалар ва кўприкларга миналар жойлаб қўймоқдалар, аҳоли пунктларини ўққа тутмоқдалар, одамларни гаровга олиб кетмоқдалар. Тинч даврда нормал турмуш ва иш шароитидан маҳрум бўлган қочоқлар кўпаймоқда, одамлар қурбон бўлмоқда. Бу ҳол совет кишиларини, бутун халқимизни ташвишга солмоқда ва қаттиқ ғазаблантирмоқда.

Мана шу мураккаб вазиятда Озарбайжон ва Арманистоннинг республика органлари, республикаларнинг раҳбарияти етарлича қатъият ва изчиллик билан иш тутмадилар, вужудга келган вазиятни ўзгартириш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланмадилар, бир қанча ҳолларда экстремистлик, миллатчилик кайфиятидаги унсурларнинг измида бўлдилар. Шунинг натижасида СССР Олий Совети қарорларининг бажарилишига тўсқинлик қилинмоқда, миллатлараро муносабат заминидаги кескинлик кучайиб бормоқда. Арманистон ССР Олий Совети Тоғли Қорабоғ юзасидан қабул этган ва СССР Конституциясига мос келмайдиган ҳужжатлар шунга олиб келди.

Ҳозирги вақтда Боку, Ганжа шаҳарларида ва бошқа бир қанча аҳоли пунктларида вазият, айниқса, кескинлашди. Иш қотилликларга, талончиликларга, Совет ҳокимиятини қурол билан агдариб ташлаш йўлидаги, СССР Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган давлат ва жамоат тузумини зўрлик билан ўзгартириш йўлидаги уринишларгача бориб етмоқда.

Мана шулар муносабати билан ва Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг мурожаатномасини эътиборга олиб, СССР Конституцияси 119-моддасининг 14-бандига амал қилиб, СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Тоғли Қорабоғ автоном области, унинг Озарбайжон ССРга туташ районлари, Арманистон ССРнинг Горис райони территориясида, шунингдек Озарбайжон ССР территориясидаги СССР давлат чегараси бўйлаб чегара зонасида фавқулодда ҳолат эълон қилинсин.

2. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, шунинг учун ваколат берилган давлат органлари ва мансабдор шахсларга ушбу Фармоннинг биринчи моддасида кўрсатилган жойларда қўйидаги чораларни қўлланиш ҳуқуқи берилсин:

йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари, намойишлар, шунингдек театр-томоша, спорт тадбирлари ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказилишини тақиқлаш, оммавий ахборот воситаларини назорат қилиш;

ташкилотларнинг ҳамда гражданларнинг ташаббускор уюшмаларининг қонунга зид бўлган фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки уларни тарқатиб юбориш;

гражданларни корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда ишлаш учун, шунингдек фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини тугатиш учун жалб этиш;

иш ташлашларни тақиқлаш;

комендантлик соати жорий этиш;

гражданларнинг кириши ва чиқишини чеклаш, яшаш учун хатарли бўлган районлардан гражданларни вақтинча кўчириб, уларга бошқа уй-жой биноларини бериш; муайян жойнинг аҳолиси бўлмаган гражданлар зиммасига шу жойдан кетиш мажбуриятини юклаш;

транспорт воситаларининг қатновини чеклаш, уларни тартибга солиш ва кўздан кечириш;

ҳужжатларни текшириш, зарур ҳолларда эса, гражданларда қурол борлиги ҳақда етарли маълумот бўлган ва уни ихтиёрий кўрсатишдан воз кечилган тақдирда, гражданларни шахсан текшириш, буюмларни текширишни йўлга қўйиш;

гражданлардан, зарур ҳолларда эса — корхоналардан, муассасалар ва ташкилотлардан ўқ отиш қуроли ва совуқ қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва материалларни, кучли таъсир қиладиган химиявий ва заҳарли моддаларни вақтинча олиб қўйиш;

кўпайтирувчи техникадан, шунингдек радио ва телеаппаратлардан фойдаланишни чеклаш ёки тақиқлаш, алоқадан фойдаланишнинг алоҳида қоидаларини жорий этиш.

3. Комендантлик соати вақтида гражданларнинг махсус берилган рухсатномаларсиз, шахсан гувоҳлик берувчи ҳужжатларсиз кўчаларда ёки бошқа жамоат жойларида бўлишига ёхуд шахсан гувоҳлик берувчи ҳужжатларсиз ўз истиқомат жойидан ташқарига боришларига ижозат берилмайди.

4. Фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини тугатиш, гражданларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини, аҳолининг ҳаёт фаолияти объектларини муҳофаза этиш учун СССР Ички ишлар министрлигининг ички қўшинлари қонунга мувофиқ жалб этилади. Гражданларни ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳаёт фаолияти объектларини муҳофаза қилиш учун Совет Армиясининг, Ҳарбий-Денгиз Флотининг ва СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг ҳарбий қисмлари ҳам жалб этилади. СССР Ички ишлар министрлигининг ички қўшинлари ҳамда Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти ва СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг жалб этилган ҳарбий қисмлари СССР Конституцияси асосида ҳаракат қиладилар, қонунларга, низомларга ва ушбу Фармонга амал қиладилар.

5. Жамоат тартибини иғвогарона бузадиган, иғвогарона миш-мишлар тарқатадиган ёки гражданлар ва мансабдор шахсларнинг ўз қонуний ҳуқуқлари ва вазифаларини амалга оширишларига фаол тўсқинлик қиладиган, фавқулодда ҳолат режимини бузадиган шахслар маъмурий тартибда 30 суткагача муддат билан ушлаб қолиниши мумкин. Бу шахслар Қонунга мувофиқ маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

6. Транспортнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун СССР Ички ишлар министрлигининг ички қўшинлари, СССР Армияси ва СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг кучларини жалб этиб, темир йўлларни ва бошқа алоқа воситаларини муҳофаза қилиш жорий этилсин.

7. Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумига аҳолининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун, амалдаги қонунлар, шу жумладан СССР Олий Совети Президиумининг «Озарбайжон ССР ва Арманистон ССРда жамоат тартибини ўрнатишга оид энг зарур чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1988 йил 23 ноябрь Фармони (СССР Олий Советининг Ахборотномаси, 1988 йил, 47-сон, 712-модда) талабларини бузишда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган ҳамма чора-тадбирларни кўриш, шу жумладан Боку, Ганжа шаҳарларида ва бошқа аҳоли пунктларида комендантлик соатини жорий этиш таклиф қилинсин.

Арманистон ССР Олий Совети Президиумидан шу республика территориясида туриб миллатчилик эҳтиросларини ва иккала халқ ўртасидаги миллий адоватни авж олдиришга қаратилган гиж-гижловчилик ҳаракатларининг пайини қирқиш юзасидан энг кескин чораларни кўриш талаб қилинсин.

Озарбайжон ССР ва Арманистон ССР Олий Советлари Президиумлари ҳамда Министрлар Советлари ўз мажлисларида ушбу Фармонни бажаришга ва вужудга келган вазиятни бартараф этишга оид амалий тадбирларни зудлик билан кўриб чиқишлари зарур, деб ҳисоблансин.

СССР ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органлари мана шу тадбирларни амалга оширишда республика органларига зарур ёрдамни берсинлар.

8. Ушбу Фармоннинг 1-, 7-моддалари 1990 йил 15 январь маҳаллий вақт билан соат 23 дан бошлаб кучга киради ва фавқулодда ҳолат бекор этилмагунча амал қилаверади.

9. СССР Ташқи ишлар министрлиги СССР билан Эрон ўртасида давлат чегараси режимига ва иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг шу билан боғлиқ бўлган масалаларига оид музокараларни давом эттириб, яқин вақт ичида тугатсин, шунингдек тегишли чегарадош давлатларни ва халқаро ташкилотларни ушбу Фармондан хабардор қилсин.

10. СССР Олий Советининг топшириғига биноан фавқулодда ҳолатнинг ҳуқуқий режими тўғрисидаги Қонуннинг СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан лойиҳасини СССР Олий Советида муҳокама қилишни жадаллаштириш зарур, деб ҳисоблансин.

11. Гражданларнинг миллий ҳуқуқларига қасд қилганлик ва ССР Иттифоқи территориясининг бирлигини зўрлик билан бузганлик учун масъулиятни кучайтириш тўғрисида бир гуруҳ олимлар ва мутахассислар тайёрлаган Қонун лойиҳаси СССР Олий Советининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети муҳокамасига топширилсин, мазкур Қонун лойиҳасини яқин вақт ичида СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этиш назарда тутилсин.

СССР Олий Советининг Раиси

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.

1990 йил 15 январь.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ

● Тошкент атир-упа фабрикасида харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу мақсадда қўйиш цехида одеколонларни қадоқлаш поток линияси ишга туширилди. Натижада кундалик талаб қилинадиган маҳсулотлар тайёрлаш кескин кўпайди. Ҳозир мазкур линия ёрдамида 8 хил турдаги атир-упа тайёрланмоқда. Корхона бундай арзон маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан йил охиригача қўшимча 190 минг сўмлик иқтисодий самара олишни мўлжаллаяпти.

Фабрикада КПСС XXVIII съезди шарафига зарбдор вахтада туриб меҳнат қилаётганлар сафи кенгайиб бормоқда. Н. Тошматова, Н. Содиқова ва Н. Нажмиддинова каби илғор ишчилар смена нормаларини 1, 5—2 ҳиссага ошириб бажаришмоқда. Бригадалар ўртасидаги мусобақада Р. Аҳмедова бошлиқ пудратчилар бригадаси ғолибликни қўлдан беришмаяпти.

Х. ТОШЕВ.

ЗАВОДДА ҚАНДОЛАТ ЦЕХИ

●Косон ёғ-экстракция заводида қандолатчилик цехи ишга туширилди.

Янги цехда 5 та линия ўрнатиш мўлжалланяпти. Ҳозирча биринчи линия дастлабки маҳсулот — конфетлар тайёрлашни йўлга қўйди.

Цех тўлиқ ишга тушгач, бир йилда ўн хилга яқин— 5 минг тоннадан зиёд қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Завод қандолатпазлари ҳар йили эл дастурхонига 2 минг тонна ирис, 1,5 минг тонна карамель, 300 тоннадан зиёд майиз ва ерёнғоқ мағзи солинган думалоқ конфетлар, 200 тонна бошқа хил ширинликлар етказиб беради.

Айни кунларда заводда совун ишлаб чиқарадиган цех қурилиши ҳам жадал суръатларда боряпти. Лойиҳа қуввати ва бу цех шу йилнинг ўзида 7 минг тоннадан кўпроқ кир совун ишлаб чиқариш лозим.

И. УСМОНОВ.

МАНФААТДОРЛИК ТУФАЙЛИ

● Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи хўжалик ҳисобига ўтиб ишлай бошлаганига эндигина икки йил бўлди. Лекин меҳнатни ташкил этишнинг янги шакли ўз афзаллигини кўрсатяпти. Корхона иқтисодий фойдаси йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Натижада ишчи-хизматчиларнинг моддий шароитлари бирмунча яхшиланмоқда. Коллективда ишчиларнинг манфаатдорлигига алоҳида эътибор берилаяпти. Шахсий планни ошириб бажарган, сифатли маҳсулот тайёрлашга эришган илғор ишчиларга мукофот пули берилиб, моддий рағбатлантирилмоқда.

Манфаатдорлик ишчиларни зарбдорчасига меҳнат қилишга ундаяпти. Шу туфайли корхонанинг техника-иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлмоқда. Ўтган йили маҳсулотни реализация қилиш плани 114,1 фоизга адо этилди. 17 миллион 383 минг сўмлик аъло сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди.

Ш. КЕЛДИЕВ.

ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

16 январь куни Тошкентда республика партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда саноат, транспорт, алоқа корхоналарининг иш якунлари ва мазкур тармоқларни 1990 йилда ривожлантириш вазифалари муҳокама қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. А. Попов очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. М. Мирқосимов доклад қилди.

Кенгашда ишлаб чиқаришда интизом ва тартибни таъминлаш, республика коммунистлари, барча меҳнатчиларини бу йилги план топшириқларини сўзсиз бажаришга, уларни юксак самара ва ташаббускорлик билан ишлашга сафарбар қилиш бугунги кунниг биринчи даражали вазифаси эканлиги таъкидланди.

Айни 1990 йилда меҳнаткашлар турмуш даражасини яхшилашда реал, сезиларли натижаларга эришиш, республика иқтисодиётини сифат жиҳатидан янги даражага жадал ўтказиш учун имкони бўлган барча чора-тадбирларни кўриш зарурлиги уқтирилди.

Иқтисодиётни ривожлантиришда ижтимоий йўналишни кучайтириш, иқтисодий муносабатлардаги тубдан ўзгартишларни фан-техника тараққиётини жадаллаштириш билан бирга қўшиб олиб бориш энг муҳим мақсадлар қаторида санаб ўтилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Касаба союзлари республика кенгашининг раиси Х. А. Алимова, республика Халқ назорати комитетининг раиси Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Ў. Қ. Исмоилов, В. В. Сударенков, Ў. Р. Умарбеков, Т. Я. Шарипов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими А. П. Орешечкин қатнашдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан резолюция қабул қилинди. (Фаоллар йиғилиши тўғрисидаги ҳисобот газеталарнинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

«ТАШГОРАГРОПРОМ»: ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

● Республика Министрлар Советининг Президиуми «Ташгорагропром» бирлашмасининг корхоналари ва ташкилотлари моддий-техника базасини мустаҳкамлашнинг кечиктириб бўлмайдиган чоралари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилди.

«Ташгорагропром» бирлашмасининг ўзига қарашли колхозлар, совхозлар ва бошқа корхона ҳамда ташкилотларнинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти учун, уларни хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш принципларига ўтказишдаги роли ҳамда масъулиятини ошириш мақсадида унга кўпгина масалаларни мустақил ҳал этиш ҳуқуқи берилди.

Бу — бирлашма таркибига кирадиган колхозлар ва совхозларнинг ҳамда бошқа таъминот ташкилотларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, харид қилиш ва улардан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқишдан; ўзаро фойдали иқтисодий шартларда узоқ муддатга мўлжалланган бевосита шартномалар асосида мева-сабзавот маҳсулотларини Ўзбекистон ССР областларидан ва бошқа иттифоқдош республикалардан олиб келиш ва олиб чиқиб кетишдан; картошка, мева-сабзавот маҳсулотларига ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларига йилнинг мавсумларига қараб ҳамда бозор талабига мувофиқ тайёрловчи ва савдо ташкилотлари учун чекланган чакана ва улгуржи нархларни белгилашдан, маҳсулотни зарар кўрмай сотишни ҳисобга олиб бирлаштиришдан иборатдир.

«Ташгорагропром» бирлашмаси хўжаликларида биринчи навбатда ўз маблағлари ҳисобидан ижтимоий қайта қуришни ташкил этишни жадаллаштириш учун район ижроия комитетларига ва молия идораларига «Ташгорагропром» бирлашмаси таркибига кирувчи колхозлар, совхозлар ва бошқа корхоналарга уларнинг планда кўзда тутилган даромадларидан бюджетга икки фоиздан ортмайдиган миқдорда пул ажратишни белгилашлари тавсия этилди.

«Ташгорагропром» бирлашмасининг Тошкент область Калинин районидаги «Шарқ» ва Оржоникидзе районидаги «Қибрай» агрокомбинатларини унинг таркибига киритиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

«Ташгорагропром» бирлашмасига Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети, Ўзбекистон ССР Давлат план комитети, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона область ижроия комитетлари билан биргаликда бир ой муддат ичида юқорида қайд этилган областларнинг ҳар биридан 1—2 тадан хўжаликни (мазкур хўжаликлар меҳнат коллективларининг розилиги билан) бирлашма таркибига бериш тўғрисидаги таклифини Ўзбекистон ССР Министрлар Советига киритиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети, Ўзбекистон ССР Давлат план комитети, Ўзбекистон ССР Моддий-техника таъминоти давлат комитети, «Ташгорагропром» бирлашмаси 1990 йил ва ўн учинчи беш йиллик планларида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни бошқаришнинг, уларни харид қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва реализация қилишни ташкил этишнинг замонавий усулларига ўтишини ҳисобга олиб, «Ташгорагропром» бирлашмасининг корхона ва ташкилотлари моддий-техника базасини тубдан қайта қуриш борасидаги комплекс тадбирларни амалга оширишни кўзда тутишлари керак.

(Давоми иккинчи бетда).

САЙЁРАМИЗНИ БЕХАТАР ҚИЛАМИЗ

Москвада жаҳоншумул анжуман очилди

Сайёрамиз ва унда яшовчи барча жонзотнинг ҳаёти — хавф остида. Агар биз илгаригидек барча мавжуд нарсалардан шафқатсизлик билан фойдаланаверсак, орадан ўн йил ўтгач, ҳосилдор ерларнинг учдан бир қисмидан маҳрум бўламиз. 2000 йилга бориб жонли организмларнинг салкам 1 миллион тури йўқ бўлиб кетади, яна бир миллиард кўпаядиган аҳоли янги ресурсларга муҳтож бўлади.

Агар биз атмосферани булғатишга чек қўймасак, Ер иқлими шу даражада ўзгарадики, унинг оқибатларини олдиндан сира айтиб бўлмайди. Биз ана шулар учун жавобгар бўламиз ва маънавий, психологик ва экологик масалаларни ҳал этиш йўлларини қидириб топишимиз зарур. Ҳалокатнинг олдини олишимиз ва сайёрамизни миллий, мафкуравий, сиёсий ва маданий... тафовутлардан қатъи назар, ҳамма учун бехатар қилишимиз лозим.

«Инсониятни омон сақлаб қолиш мақсадида маънавий ва парламент раҳбарларининг жаҳоншумул анжумани» программасидан олинган бу сўзлар анжуманнинг мақсадини тўла акс эттиради. Ана шу мақсадларга эришиш йўллари қандай бўлади? Ҳозирги ижтимоий онг асосланадиган икки таянч — дин ва сиёсат арбобларининг мулоқоти бошланди. 15 январь куни Москвада очилган «Омон қолиш мақсадида атроф-муҳит ва тараққиёт муаммоларига бағишланган жаҳоншумул анжуман» халқаро конгресси мана шу соҳадаги фикрлашувда янги саҳифа бўлиб қолиши лозим. Анжуманда 82 давлатдан бир мингдан ортиқ киши иштирок этмоқда.

Учрашувни қароргоҳи Нью-Йоркда жойлашган инсонят омон қолиши учун маънавий ва парламент раҳбарларининг жаҳоншумул анжумани совет ташкилотлари кўмагида уюштирди.

Композитор Байрон Жениснинг анжуманга бағишланган музикали муқаддимасидан кейин экология ҳалокати қурбонлари хотирасига бир дақиқа сукут сақланди.

Академик **Е. П. Велихов** анжуманни табриклаб, унинг айни 15 январда очилаётганлиги бежиз эмаслигини айтди. Бундан тўрт йил илгари худди шу куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 2000 йилгача ядро қуролини батамом тугатиш программаси билан чиққан эди. Замин халқлари мазкур таклифни дастлаб бирмунча ишончсизлик билан кутиб олди. Бироқ ҳозир биз мазкур режа амалга оширила бошлаганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Биз ядро хавфи бартараф этилиши мумкинлигини англай бошлаяпмиз.

Инсоннят учинчи минг йиллик арафасида ядро қиргини хавф-хатарига, экология муаммоларига, замин халқларининг маданий мероси нобуд бўлиши хавфига дуч келди. Биз кучгайратларни бирлаштириш йўли билангина ана шу барча муаммоларни ҳал эта оламиз, деб таъкидладилар.

Анжуман қатнашчиларини Волоколамск ва Юрьев митрополити **Питирим** табриклади. Бу йил бизнинг виждонимизни уйготиши ва

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

(Давоми. Боши биринчи бетда).

1990—1995 йилларда Тошкент шаҳрида конструкторлик бюроси, тажриба заводи, картошка, сабзавот ва меваларни саралаш, идишларга жойлаш, қайта ишлаш ва сақлаш борасида қаттиқ музлатиш технологиясини қўлловчи, табиий шарбатлар ишлаб чиқарувчи (асептика йўли билан сақловчи) ва шу асосда салқин ичимликлар ишлаб чиқарувчи, полимер материаллардан махсус идишлар ва ўраш воситалари тайёрловчи илмий лабораториялари бўлган мева-консерва экспериментал комплексини лойиҳалаш ва қуриш кўзда тутилган.

1990—1995 йилларда Тошкент шаҳрида районлардаги улгуржи-чакана мева-сабзавот идоралари ҳузурида ҳарорат, намлик ва бошқа кўрсаткичларни созлаб турадиган автомат системаси бўлган, жами 31 минг тонна хом ашё сиғадиган (жумладан, 20 минг тонна ҳажмидаги 5-мева-сабзавот комбинатининг иккинчи навбати ҳам шу ҳисобга киради) замонавий мева-сабзавот омборлари қурилади.

Шу даврда 1, 2, 3 ва 4-комбинатлар таъмирлаш ва модернизация қилишга, ушбу корхоналарни замонавий совутиш ускуналари билан ҳамда юк ортиш-тушириш ишлари, маҳсулотни саралаш, йирик ва майдалигига қараб ажратиш, қадоқлаш ва ўрашни механизациялаш воситалари билан жиҳозлашга қарор қилинди.

Тошкентдаги 1-теплица комбинати ҳамда бирлашма таркибига кирадиган колхозлар ва совхозларнинг теплицалари реконструкция қилиниб, улар сабзавот етиштиришнинг замонавий технологиясига ўтказилади, технология жараёнлари автоматлаштирилади ва механизациялаштирилади.

Министрлар Совети ушбу программани амалга ошириш юзасидан министрликлар, идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига конкрет топшириқлар берди.

ИСТЕЪДОДЛИ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАМОЛ ТОПСИН

● Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Президиуми республикада иқтидорли болалар учун ихтисослашган мактаб-интернатлар очиш масаласини муҳокама қилди.

Ҳозир Ўзбекистонда маориф, маданият ва спорт соҳасида 32 та мактаб-интернат, олимпия резерви билим юрти, фанлар пухта ўргатиладиган бир нечта умумий таълим мактаблари ишлаётгани қайд этилди. Олимпиадалар, турнирлар, конференциялар ўтказиш анъана бўлиб қолди, бу тадбирлар иқтидорли болалар ва ўсмирларни аниқлаб олишга ёрдам бермоқда.

Аммо мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларга таълим-тарбия бериш методикасини ишлаб чиқиши лозим бўлган республика Халқ таълими министрлиги, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, бошқа манфаатдор министрликлар ва идоралар, жамоат ташкилотларининг иши мунтазам тус олмаган. Бу муҳим ишга ижодий уюшмалар, илм-фан ва зиёлиларнинг таниқли арбоблари жалб этилмаган.

Республикада иқтидорли ўқувчилар тўғрисидаги маълумотлар йиғилмаган, шундай болаларни аниқлаш, танлаб олиш ва уларни камол топтириш системаси ишлаб чиқилмаган. Бир қанча фанлар пухта ўргатиладиган мактаб-интернатлар ўртасида алоқа ўрнатилмаган, улар илмий-тадқиқотлар асосида иш олиб бормаяпти. Бу—иқтидорли болалар билан ишлаш соҳасида чет элларда ва мамлакатимиздаги бир қанча республикаларда тўпланган тажрибага зиддир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1990—1991 ўқув йили даврида республиканинг барча областлари ва Қорақалпоғистон АССРда иқтидорли болалар учун бир қанча ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар очишга қарор қилди. Бунинг учун бинолар ажратиш, уларни зарур ускуна ва асбоб-анжомлар билан таъминлаш назарда тутилди.

Иқтидорли болаларни фақат йирик саноат марказларидагина эмас, қишлоқ жойларда ҳам қидириш лозимлиги, улар учун барча зарур шароитлар яратиш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, республика комсомоли Марказий Комитети, манфаатдор министрликлар, идоралар, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотлари истеъдодли ёшларни қидириш ва уларга таълим-тарбия бериш программасини ишлаб чиқишлари, бу ишда ўқитувчилар, муаллимлар ва илмий ходимларнинг фаол иштирокини рағбатлантирадиган тадбирлар системасини назарда тутишлари керак. Бунинг учун фақат уч ой муҳлат белгиланди.

Таътил даврида манфаатдор ташкилотларнинг ишини фаоллаштириш зарур, деб эътироф этилди. Жумладан, пионер лагерлари, сайёҳлар комплекслари, мактаб-интернатлар ва болаларнинг санаторийларида кўриклар, конкурслар, олимпиадалар ўтказилиши керак.

Программани муваффақиятли бажариш учун, деб таъкидланади қарорда, иқтидорли ёшларни текшириб кўриш, уларга таълим-тарбия бериш ва камол топтириш юзасидан республика марказини тузиш мақсадга мувофиқдир. Кўргазмалар ва олимпиадаларда республикамиз областларидан болаларни кўпроқ қатнаштиришга, йигит ва қизлар ижодига баҳо беришга Ўзбекистоннинг етакчи мутахассисларини жалб этишга қарор қилинди.

Қабул қилинган қарорда республика олий ўқув юртларининг ректорларига катта ҳуқуқлар берилди. Ректорларга республика, зона ва Бутуниттифоқ мактаб олимпиадалари, кўрик-конкурсларининг ғолибларини олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилишларига ижозат берилди.

Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, республика Халқ таълими министрлиги билан биргаликда олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари, ижодий уюшмалар ҳузурида гуманитар, химия-биология, физика-математика ва техника фанлари, спорт ва бадиий ижод бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг янги комплексларини қуришни назарда тутиш топширилди.

Ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар учун ўқув планлари, программалар, дарсликлар, методик қўлланмалар ишлаб чиқиш, ана шу муассасалар учун ходимлар штати ва мансаб маошларини тасдиқлаш назарда тутилди.

Газеталар, радио ва телевидение редакцияларига истеъдодли ёшларни қидириб топиш, уларга таълим-тарбия бериш муаммоларини мунтазам ёритиб бориш, шундай ёшлар билан ишлаш тажрибасини кенг кўламда тарғиб этиш топширилди.

(ЎзТАГ).

УМУМИЙ ҲУҚУҚШУНОСЛИК ТАЪЛИМИ: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этиш шароитида умумий ҳуқуқшунослик таълими муаммоларига бағишланган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси 16 январь куни Тошкентда ўз ишини бошлади.

Конференцияни Бутуниттифоқ «Билим» жамияти, СССР Адлия министрлиги ва мамлакат ҳуқуқшунослар уюшмаси ташкил этди. Унда прокуратура, Ички ишлар министрлиги, давлат арбитражи, СССР Халқ таълими давлат комитетининг вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчилар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ходимлари, ҳарбий ҳуқуқшунослар ҳам қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов конференция қатнашчиларини табриклаб нутқ сўзлади.

Биринчи ялпи мажлисда СССР адлия министри В. Ф. Яковлев, СССР ҳуқуқшунослар уюшмасининг раиси А. А. Требков, таниқли олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари докладлар қилишди.

Конференция қатнашчилари ўз нутқларида шуни уқтирдиларки, социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, сиёсий системани ислоҳ қилиш, ҳўжалик юритишнинг янги усулларини жорий этиш, гражданларнинг шахсий ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш соҳасидаги вазифаларни амалга ошириш ҳуқуқий тарбияни ва унинг марказий қисми бўлмиш аҳолининг умумий ҳуқуқшунослик таълимини қайта қуриш билан бевосита боғлиқдир.

Муаммонинг долзарблиги мамлакатнинг ҳозирги ижтимоий-ҳуқуқий шароитлари мураккаблиги билан белгиланади. Ҳуқуқий системани ва аввало қонунчиликни инқилобий ўзгартириш ҳозирнинг ўзидаёқ давлат аппарати ва жамоат ташкилотлари кадрларини, корхона ва муассасалар раҳбарлари ҳамда мутахассисларини, хўжалик ходимлари ва кооператорларни ҳуқуқий жиҳатдан қайта тайёрлаш ва уларнинг ҳуқуқий малакасини оширишни жуда зарур қилиб қўймоқда.

Ҳозир истисносиз ҳар бир меҳнатчи ўзининг ҳуқуқий билимларини ошириш ва такомиллаштиришга муҳтож. Шу йўл билангина одамлар ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошира оладилар, ўз вазифаларини бажара оладилар, мамлакатнинг сиёсий турмушида фаол қатнаша оладилар.

Умумий ҳуқуқшунослик таълими ёшларга айниқса, зарур, деб таъкидланди конференцияда, чунки уларнинг ахлоқий ривожланиши ва гражданлик камолоти аниқ мақсадни кўзловчи ҳуқуқий тарбия системаси билан, жамиятнинг ижтимоий-ҳуқуқий бойликларига ошно бўлиш билан, албатта, тўлдирилиши лозим.

Бир қанча республика ва областларнинг партия ҳамда совет идоралари ташаббуси билан раҳбар кадрларга, аҳолининг жамоат фаолларига ҳуқуқий таълим беришни ташкил этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Чунончи, Ўзбекистоннинг Сирдарё областида партия комитетлари, Самарқанд областида эса маҳаллий ҳокимият органлари ҳуқуқшунослик умумий таълимининг ташаббускори бўлиб майдонга чиқдилар. Бу тажрибани оммалаштириш ва бойитиш керак.

Конференция қатнашчилари Совет Армиясида ва Ҳарбий-Денгиз Флотида умумий ҳуқуқшунослик таълимининг ташкил этилишига алоҳида эътибор бердилар. Ҳозир армия билан флотнинг бутун шахсий состави мана шундай таълимга жалб қилинган, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар бир категорияси учун, албатта, билиши лозим бўлган ҳуқуқшунослик илмининг даражаси белгиланган.

Бироқ умумий ҳуқуқшуносликка таълимидаги ижобий силжишларга қарамай, ҳали бир талай муаммолар бор. Баъзан орқага кетиш ҳоллари рўй бермоқда. Масалан, ўқув юртларидаги ҳуқуқшунослик курслари бекор қилинмоқда ёки ҳажми қисқартирилмоқда, улар бошқа дарсларга қўшиб юборилмоқда. Ҳуқуқшунослик муаллимларини тайёрлашни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳам ҳамон ҳал этилмаган, уларнинг малакасини оширишнинг самарали системаси йўқ. Кадрларга умумий ҳуқуқшунослик таълими беришга оид ўқув қўлланмалари яратилмаган, типовой ўқув программаларини ишлаб чиқиш пайсалга солинмоқда. Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий феъл-атвор муаммолари хусусидаги илмий тадқиқотлар ҳам қониқарли эмас.

Ҳуқуқий тарбияни ва умумий ҳуқуқшунослик таълимининг ташкил этилишини тубдан яхшилаш учун конференция қатнашчилари партия, давлат идораларининг, жамоат ташкилотларининг қайта қуриш ҳозирги босқичидаги аниқ-равшан вазифаларини белгилаб қўйишни, умумий ҳуқуқшунослик таълимининг умумдавлат комплекс дастурини ишлаб чиқишни, ҳуқуқий тарбия соҳасида оммавий ахборот воситаларининг ишини кучайтиришни таклиф этмоқдалар.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков иштирок этмоқда.

(ЎзТАГ).

САЙЁРАМИЗНИ БЕХАТАР ҚИЛАМИЗ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

бўлиниб кетишдан бирлашиш, қирғиндан омон қолиш, камайиб боришдан кўпайиш сари бурилиш нуқтаси бўлиши мумкин. Биз учинчи минг йилликка қандай ютуқлар билан бораётганлигимиз тўғрисида жиддий ўйлаб кўришимиз зарур, деди митрополит. У анжуман қатнашчиларини, Ер юзидаги барча кишиларни икки минг йил мобайнидаги цивилизация фаолияти якунини чиқаришга таклиф этди.

Сўнгра анжуманнинг ҳамраислари сўзга чиқдилар.

Бизларни бирлаштириб турган асосий нарса — келгуси аср тўғрисидаги хавотирликдир, деди Нью-Йоркдаги муқаддас Иоанна соборининг бош руҳонийси Жеймс Паркс **Мортон**. Бу ерга тўпланганлар оддий кишилар бўлмай, балки инсониятнинг истиқболни яхшилашга даъват этилган вакилларидир.

Эркинлик руҳи бугунги кунда Ғарб мамлакатларига ҳам, Шарқ мамлакатларига ҳам хос бўлган хусусиятдир. Агар биз ўтмишдаги буюк революцияларни ёдга оладиган бўлсак, мамлакатингизда қайта қуриш бошланган 1985 йилги революция тўғрисида ҳам гапириш лозим.

Сўнгги ўн йиллик инсон турмуши қадриятларига ёндашувда инқилоб эканлиги билан характерланади, деди сенатор Мануэль **Уллоа** (Перу). Учрашувимиз жамият, оила, давлат эркин ривожланиши мумкин бўлган янги давр бошланишининг рамзи бўлиши мумкин.

Биз ана шу мақсад йўлида ақидалардан воз кечишимиз, реал усулларни ишлаб чиқишимиз зарур. Мана шу усуллар ёрдамида Ер юзидаги барча кишилар учун бехатар ва бахтиёр дунёни таъминлаш мумкин.

Мануэль Уллоа фарзандларимизга, бутун инсониятга меҳр-муҳаббат мактуби билан мурожаат қилишни таклиф этди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари **Х. Перес де Куэльяр** анжуман қатнашчиларига мурожаатида атроф-муҳитни сақлаб қолиш мақсадида Ер юзидаги барча давлатларнинг куч-ғайратларини мувофиқлаштириш зарурлиги тўғрисида гапирди.

Мазкур муаммога турли ёндашувларни — иқтисодий, сиёсий, гуманитар ёндашувларни муҳокама қилиш мумкин, деди у. Аммо жамоатчиликнинг экологияга муносабатида муҳим ўзгаришлар қилиш тақозо этилмоқда. Бундай ўзгаришлар рўй бериши учун бутун дунёнинг эътиборини вазифалар ҳеч кечиктирмай ҳал этилишига қаратиш зарур. Ер юзидаги барча кишилар бу қанчалик муҳим эканлигини тушунишлари лозим.

Нотиқ коллектив хавфсизлик принципи халқаро сиёсатнинг асосий принципи бўлиши зарурлигини таъкидлаб, сиёсий ва ҳарбий соҳалардагина эмас, шу билан бирга иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада ҳам конкрет ҳаракатлар зарурлигини айтди. Инсон фаолиятининг барча жиҳатларига алоҳида эътибор бериш муҳимдир, деди у. БМТ Бош секретари коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш жараёнида БМТнинг ролини таъкидлаб, жаҳон ҳамжамияти халқаро даражада инсоният манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган куч-ғайратларни жадаллаштириши лозим эканлигини айтди.

Норвегиянинг собиқ Бош министри Гру Харлем **Брундтланд** хонимнинг фикрича, анжуман инсон тафаккурида рўй бераётган ўзгаришларни акс эттиради. Жамоатчилик фикрини сўраб билиш шуни кўрсатдики, деди у, одамлар эндиликда урушдан чўчимаяптилар, балки улар ҳозирги дунё экологиясидан тобора ташвишга тушмоқдалар, улар келажак ҳозирги даврнинг гарови бўлиб қолишини истамайдилар. Қуролсизланиш натижасида бўшаб қоладиган ресурслардан фойдаланиш кенг миқёсдаги экологик тангликнинг олдини олиш воситаларидан биридир. Ана шу ресурсларни биринчи галда ривожланаётган мамлакатларга сарфлаш зарур. Ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи қарзи кўплиги, хом ашё нархи арзонлиги туфайли уларнинг тараққиёти секинлашмоқда. Брундтланд хоним ана шу мақсадларни амалга ошириш учун халқаро ҳамкорликка асосланган сифат жиҳатдан янги иқтисодий структураларни вужудга келтириш зарур, деб ҳисоблайди. Бунда бозор механизмларигагина эмас, шу билан бирга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишга қаратилган узоқ муддатли иқтисодий программаларга ҳам асосланиш зарур.

Гру Харлем Брундтланд ер иқлими фондини ташкил этишни таклиф қилди. Ана шу фондга саноати юксак даражада ривожланган мамлакатларнинг ялпи даромадидан ажратмалар ўтказилади. Фонд экологик жиҳатдан соф технологияларни ривожлантиришда камбағал мамлакатларга ёрдам беради.

Ирокезлар конфедерациясининг оқсоқоли Одрей **Шенандоа**нинг шеърий нутқидан Америка чўлларининг майин шабадаси эсгандек бўлди. Мен, деди у, буюк ҳаёт жараёнида ҳамма нарса муҳим деб ҳисоблайман ва биз, жонли мавжудотлар, яқин кишиларимизга ёмонлик қилмаслигимиз зарурлигини ёдда тутишимиз лозим. Нотиқ ўз халқидан анжуман қатнашчиларига самимий қутловлар топширди.

Танаффусдан кейин конгресс қатнашчилари ялпи мажлисга тўпландилар. Жаҳоншумул анжуманнинг бош координатори Акио **Мацумура** (Япония) мажлисни оча туриб, бу черков ва давлат биргаликда ўтказаётган СССР тарихида биринчи халқаро учрашув эканлигини таъкидлади. Шу муносабат билан у кучларнинг бундай бирлаштирилиши анжуман олдида турган вазифаларни ҳал этишга хизмат қилади ва жаҳоншумул муаммоларни янгича тушуниш имконини беради, деб умид билдирди. Бу эса инсониятнинг шунчаки омон қолишидан кўра кўпроқ маънони англатади. Биз ҳаётнинг бошқа ўттиз миллион тури билан биргаликда ушбу сайёрада яшаяпмиз деди у.

Ҳозирги кунда маҳсулотлар билан таъминлаш хавфсизлик муаммосидан кам бўлмаган даражада муҳим бўлиб қолди, деди Шри-Ланкадан келган журналист Тарзи **Виттачи**.

Матбуот табиатни муҳофаза қилиш ишига ҳисса қўшиши, реалликларни англашга ёндашув йўлларини кўрсатиб бериши зарур. Биз одамлар онгининг ўзгаришига муаллимлар ва руҳонийлар билан баб-баравар таъсир қилишимиз мумкин, деди Т. Виттачи ва янги экологик тузилма ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Астроном Карл **Саган** (АҚШ) ернинг космосдан олинган ва анжуман мажлислар залини безаб турган улкан фотосуратини «Давримизнинг иконаси» деб атади. Олим инсоннинг қадим даврлардан буёнги тараққиёти эволюциясини кузатиб, ҳозир биз ўзимиз учун хавф-хатарни вужудга келтираётганимизни айтди. У олимларнинг жаҳондаги диний ҳамжамиятга мурожаатномасини ўқиб эшиттирди. Мурожаатномада Ер юзида ҳаётни кўзлаб биргаликда ҳаракат қилишга даъват этилади.

СССР халқ депутати, экологлар **А. В. Яблоков** билан америкалик сенатор Альберт **Горн**инг нутқларида жаҳоншумул экологик вазият таҳлил этиб берилди ва бу вазиятни соғломлаштиришга оид таклифлар айтилди. Иқлимнинг ўзгаришига таъсир қилаётган омиллар орасида «парник самараси» озон туйнукларининг вужудга келиши, ўрмонларнинг кесилиши, ҳаво ва сувнинг булғаниши тилга олиб ўтилди. Биз ҳаммамиз беихтиёр сайёра табиати билан оммавий уруш ҳолатига тушиб қолдик, деди совет олими.

Вужудга келган аҳволдан қандай қилиб қутилиш мумкин? Нотиқларнинг фикрича, бунинг учун, жумладан, демографик портлаш жараёнини назорат қилиш зарур. Агар Ер курраси аҳолисининг икки миллиард кишига етиши учун одамларнинг ўн минг авлоди умри ўтган бўлса, энди, бир авлоднинг умри давомида аҳоли ўн миллиард кишига етади. Табиатдан фойдаланиш характерини ўзгартириш, энергия камроқ ишлатиладиган технологияларни ишга солиб, иккиламчи ресурслардан кенг фойдаланиш, чиқитсиз ишлаб чиқаришларни жорий этиш зарур. Бу мақсадларни амалга ошириш учун Ер курраси-нинг турли қисмларида мутахассислар тайёрлайдиган марказларни ташкил қилиш зарур.

Мажлисда таниқли француз океаншуноси Жак Кусто сўзга чиқиши белгиланган эди, аммо у ҳали етиб келгани йўқ.

Биринчи иш кунининг охирига бориб, мунозара соф экология муаммолари билан чекланмай қолди. Дунёда ҳар йили ҳарбий эҳтиёжларга бир триллион доллар исроф қилинмоқда, дейишди нотиқлар. Беш юз мингдан кўпроқ олим янада кўпроқ одамларни ўлдирадиган қирғин қуролларини яратиш муаммолари устида ишламоқда, қирғин воситалари билан савдо қилиш ҳажми эса 50 миллиард долларга етмоқда. Шу муносабат билан, анжуман қатнашчилари жаҳон миқёсида қурол-яроғ савдосини тақиқлаш ёки лоақал тартибга солиш тўғрисида ялпи конвенция тузишнинг бирон-бир йўлини ишлаб чиқа олмайдиларми, деган масала кўтарилди.

Анжуман ўз ишини давом эттирмоқда.

Жаҳоншумул анжуман номидан БМТ Бош секретари Перес де Куэльяр шарафига қабул маросими уюштирилди.

(ТАСС).

ҚИШЛОҚ ВЕТЕРАНЛАРИГА ҒАМХЎРЛИК

16 январь куни Тошкентда Уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон республика кенгашининг кенгайтирилган пленуми бўлиб ўтди. Пленумда область соғлиқни сақлаш бошқармаларининг бошлиқлари, область ижроия комитетлари социал таъминот бўлимларининг мудирлари иштирок этишди.

Кейинги вақтларда колхозчи пенсионерлар, уруш ва меҳнат ветеранларининг турмуш даражаси бирмунча ошганлиги пленумда қайд этилди. Республиканинг 778 та колхозида пенсиялларга қўшимчалар жорий этилди.

Шу билан бирга тегишли министрликлар, ветеранлар ташкилотларининг фаолиятида қишлоқда пенсия таъминоти ва медицина хизматини янада яхшилаш борасида жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Салкам 600 минг пенсионер моддий жиҳатдан муҳтождир. Гражданларнинг ана шу тоифаларини тиббий дори-дармонлар билан таъминлаш, рисоладаги турмуш шароитини яратиш, улар учун бошқа имтиёзларни рўёбга чиқариш муаммолари ниҳоятда секин ҳал этилмоқда. Бу соҳада маҳаллий Советлар томонидан аниқ-равшан қарорлар қабул қилиниши, самарали ёрдам берилиши лозим.

Пленумда Уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашининг Улуғ Ватан урушида эришилган Ғалабанинг 45 йиллигига тайёргарлик ва уни ўтказишга оид тадбирлари ҳам тасдиқланди.

Пленумда Уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон республика кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ПАТЕНТШУНОСЛАР УЮШМАСИ

Тошкентда патентшунослар уюшмасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, олий ўқув юртларининг мутахассислари иштирок этишди.

Патентшунослар учун бундай уюшма — ахборот айирбошлаш, малакани ошириш, рационализаторлик ва ихтирочилик бюроси ходимлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконияти, демакдир. Уюшма ўзига хос меҳнат биржасига ҳам айланади — у патентшуносга иш топишда кўмаклашади ва моддий жиҳатдан қуллаб-қувватлайди. Махсус картотека шаҳардаги барча патент фондларини ҳисобга олади, бу эса рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни расмийлаштиришни тезлаштиради.

Корхоналар билан патент иши юзасидан шартномалар, шунингдек, уюшма аъзолари экспертлар сифатида қатнашадиган судларда авторлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан шартномалар уюшмасининг асосий даромад манбаига айланади. Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг Тошкент область кенгаши янги жамоат ташкилотини иш олдидан пул билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

Патентшунос, Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти область кенгашининг маслаҳатчиси Ю. Доброчасов уюшма президенти этиб сайланди.

(ЎзТАГ).

БОКУДАГИ ВАЗИЯТ

БОКУ, 15 январь. (Озаринформ—ТАСС). Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси Бокудаги вазиятни нормаллаштириш юзасидан шошилинч тадбирларни кўриб чиқди.

Республикадаги вазиятни беқарорлаштиришга ҳаракат қилаётган жиноятчи кучлар, деб таъкидланади қабул қилинган қарорда, ўз ниятларини амалда рўёбга чиқаришга очиқчасига киришдилар. Ана шу жиноятчи кучлар Тоғли Қорабоғ автоном области ва унга чегарадош районларда вазият кескин ёмонлашганидан фойдаланиб, Бокуда васвасани авж олдирдилар, Арманистондан қочиб келган кишиларнинг бир қисмини ҳуқуққа хилоф ҳаракатларга тортдилар.

13 январь куни Бокуда чиқарилган тартибсизлик ва бебошликлар чоғида фожиали воқеалар содир бўлди. Жиноятчилар одамларни, асосан арманларни ўлдирдилар, неча ўнлаб киши яраланди. Уй-жойлар оёқости қилинди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари зўравонлик қилди, деб шубҳа қилинаётган шахсларни ушладилар. Тергов бошланди.

Мураккаб вазиятда шаҳар ва районларнинг партия комитетлари партия фаоллари, меҳнат коллективларини бебошликларнинг пайини қирқишга кечикиб кўтардилар, деб таъкидланди. Шошилинч, фавқулодда чораларни кўриш, тартибсизликларнинг пайини қирқиш учун СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинлари бўлинмаларини жалб этиш талаб қилинди.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети, деб таъкидланади қарорда, одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган жиноятқорона хатти-ҳаракатларни, зўравонликни қатъият билан қоралайди. Одамларнинг шани, қадр-қиммати ва ҳаётига тажовуз қилишни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди, бу озарбайжон халқининг ахлоқ-одобига, инсонпарварлик анъаналарига зиддир.

Боку шаҳар партия комитети, районларнинг партия комитетларига вазиятни нормаллаштириш учун шошилинч чораларни кўриш топширилди.

Бокунинг барча районларида кўпдан-кўп пленумлар, фаолларнинг йиғилишлари, меҳнат коллективларининг йиғилишлари бўлиб ўтди, бу йиғинларда жиноятчи кучларнинг хатти-ҳаракатлари қатъиян қораланди. Вазиятни барқарорлаштириш учун бир қанча конкрет тадбирлар кўрилмоқда.

Бокуликларнинг кенг оммаси жамоат тартибини муҳофаза этишга киришдилар. Жумладан, Октябрь районида 900 киши кеча-кундуз навбатчилик қилмоқда. Низомий районида барча партия фаоллари шундай ишга жалб этилди.

Боку шаҳар партия комитетининг фавқулодда пленуми бўлди, ушбу пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси Е. М. Примаков, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Гиренко, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А.—Р. Х. Везиров қатнашдилар.

Пленумда ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар оқибатида демократиялашга, қайта қуришга реал хавф пайдо бўлди, деб таъкидланди. Шаҳар партия ташкилоти, ишчилар синфи, зиёлилар қатъият билан зўравонликка қарши чиқмоқдалар, уни қораламоқдалар, жамоат тартибини сақлаш учун барча тадбирларни кўриш зарур, деб ҳисобламоқдалар.

Е. М. Примаков, А. Н. Гиренко ўртоқлар Озарбайжон халқ фронти вакиллари билан учрашдилар. Узоқ давом этган суҳбат чоғида вазиятни нормаллаштириш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш учун барча тадбирларни кўриш зарурлигига диққат-эътибор қаратилди. СССРдаги демократиялашнинг мавжуд қонунлар бузилишига сира алоқаси йўқлиги, аксинча, демократиялаш мазкур қонунларга қатъий риоя этишни назарда тутиши таъкидланди.

Е. М. Примаков, А. Н. Гиренко ва А.—Р. Х. Везиров ижодкор зиёлилар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан учрашдилар.

Республика прокуратураси ва Ички ишлар министрлиги бебошлик ва зўравонликда айбдор бўлган кишиларни аниқламоқдалар.

ҲАДДАН ОШМОҚДАЛАР

СТЕПАНАКЕРТ, 15 январь. (ТАСС). Кеча кечаси Степанакерт яқинидаги Киркижон шаҳарчасида арманлар билан озарбайжонлар ўртасида отишма бўлди. Бир арманнинг уйи ва уч озарбайжоннинг хонадони ёниб кетди. Тоғли Қорабоғ автоном области ички ишлар бошқармасининг берган маълумотига кўра, воқеа содир бўлган жойга етиб келган ўт ўчирувчиларни ўққа тутишгани учун улар қайтиб кетишга мажбур бўлишган. Отишма пайтида жабр кўрганлар тўғрисида маълумот тушмади.

Тоғли Қорабоғ автоном области ҳозир фронт ёқасидаги минтақани эслатади. Қишлоқларда окоплар қазилмоқда, кўпгина йўллар тўсиб қўйилмоқда. «Ўзини ўзи мудофаа этиш постлари» қучайтирилди. Мана, беш кундирки, юк ортилган поездлар келаётгани йўқ, область яна қамалда. Озиқ-овқат, ёнилғи запаслари жуда кам.

Автоном область билан қўшни бўлган Озарбайжон ССРнинг Шаумян ва Хонлар районларида қон тўкилмоқда. Бу районларда ички қўшинлар бўлинмаларининг сони кўпайтирилди, шу ерга, яъни Ажикент қишлоғига қуролланган террорчиларнинг катта кучлари ҳам етиб келмоқда. Уларнинг қўлида жанговар техника, пулемётлар, автоматлар, гранаталарнинг борлиги вазиятни мураккаблаштирмоқда. Ҳарбийларнинг хабар беришича, жанговар ҳаракатлар бўлаётган жойга дўлни тарқатиб юборадиган зенит қуроллари келтирилмоқда, ҳозирнинг ўзидаёқ шу қуроллардан ҳарбий вертолётлар ўққа тутиляпти.

Арман қишлоқларини ҳимоя қилиш учун ана шу икки районга арман жангарилари келишмоқда, уларнинг қўлида ҳам автомат қуроллар бор. Маълум бўлишича, Ганжа ва Ереван шаҳарларидаги жиноятчи шахслар шу қуролнинг катта туркумини қўлга киритишган.

* * *

Арманистоннинг Озод қишлоғи билан Озарбайжоннинг Ажикент қишлоғи ўртасидаги икки километрлик минтақани жанговар минтақа десак бўлади, бу ерда аҳвол жуда кескин бўлиб турибди. Ҳар лаҳзада қуролли тўқнашув бўлиши мумкин.

* * *

Озарбайжон ўт ичида қолган ва Арманистон жунбушга келган, Озарбайжон ССР нинг Шаумян ва Хонлар районларидаги икки халқ тўқнашуви даҳшатли тус олган шу кунларда Бокуда миллий мудофаа комитети, Ереванда миллий нажот штаби тузилгани эълон қилинди. Хўш, бу нима? Гражданлар уруши бошланяптими? «Қорабоғ муаммоси» икки йилдан бери ҳал қилинмаганлигининг оқибати ҳозирча шундай бўлиб турибди.

— Фавқулодда вазият фавқулодда чоралар кўрилишини талаб қилмоқда. Тинчликка даъватларга эндиликда ҳеч ким қулоқ солмай қўйди, — деди ТАСС мухбирига СССР ички ишлар министрлиги оператив группаси раҳбарининг ўринбосари, милиция полковниги А. Солодовников. — Тинчликка даъват этиш билан бирга тинчликни ҳимоя қилиш ҳам керак, ҳа, барча имкониятлар билан ҳимоя қилиш керак.

ҚАЙТА ҚУРИШ ШАРОИТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР КЕНГАШЛАРИ

16 январь куни Тошкентда республика Хотин-қизлар кенгаши президиумининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда мазкур жамоат ташкилотининг қайта қуриш шароитидаги роли ва ўрни ҳақида гап борди. Мажлисни республика Хотин-қизлар кенгашининг раиси Ҳ. А. Алимова олиб борди.

Мажлис қатнашчилари Наманган область хотин-қизлар кенгашларининг хотин-қизлар ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, улар меҳнатини муҳофаза қилиш, нормал маиший шароит яратиш борасидаги иш тажрибасини муҳокама қилдилар. Хотин-қизлар кенгашларининг фаол иштирокида областда «Меҳнат», «Уйжой» ва «Ғамхўрлик» комплекс тармоқ программаларини бажариш учун, шунингдек халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш планини амалга ошириш, иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш борасида кўп ишларни қилишга муваффақ бўлинганлиги таъкидлаб ўтилди.

Президиум мажлисида, шунингдек 1990 йил 7 январда «Труд» газетасида чиққан хотин-қизларнинг ўзини ўзи ёқиш фактлари тўғрисидаги «За глухим дувалом» («Чор девор ичида») сарлавҳали мақола муҳокама қилинди. Никоҳ ва оила масалаларида ёшларнинг маънавий тарбиясини тубдан яхшилаш, соғлом турмуш тарзини, одамлар ўзаро муносабатларида умуминсоний маънавий қадриятларни тарғиб этиш, фан ва маданият арбобларини, оқсоқолларни бунга жалб этиш, аҳоли истиқомат жойларида ёшлар ташкилотлари ишини кучайтириш кераклиги қайд этилди.

Республика Хотин-қизлар кенгашининг 1990 йилги иш плани тасдиқланди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Л. Ш. Беккулбекова нутқ сўзлади.

• *Номзодлар ҳақида ҳикоялар*

ЧОРШАНБАДА... МАХСУС МУЗЕЙ



Ўзбекистон рангтасвир санъатининг кўзга кўринган вакили Жавлон Умарбековни кўпчилик яхши танийди. Истеъдодли мусаввир асарлари иттифоқимизда ва унинг сарҳадидаги жаҳоннинг Бельгия, Югославия, Канада, Швеция, Италия каби ўнлаб мамлакатларида муваффақият билан намойиш қилиб келинмоқда.

Умарбеков асарлари энг аввало миллий-бадиий тафаккурнинг ўзига хос намуналари сифатида қадрли. Рассом мўйқаламига мансуб санъат асарларининг яна бир жиҳати — уларда ўтмиш, бугун ва келажак шарқона хаёлий-афсонавий тасаввурлар тажассумида ажиб бир уйғунлик касб этган. У чизган картиналар қошида қарама-қарши туйғулар таъсирида қоласиз: аввал ҳайратга тушасиз, кейин ўйга толасиз, ниҳоят фикрлай бошлайсиз ва ўз кашфингиздан ўзингиз завққа тўласиз.

Яқинда у Қашқадарё область Шаҳрисабз район Чоршанба қишлоқ Советидаги 236-сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди ва рўйхатга олинди.

Икки йилдирки, ижтимоий ҳаёт саҳнидан номзодлар ва депутатлар мустаҳкам ўрин олишди. Халқ ишончини қозониш, кўпроқ тарафдорларга эга бўлиш учун баъзи номзодлар тоғ-тоғ ваъдаларгача бориб етишди. Шундай номзодлар менинг хаёлимда ёғин-сочиндан қулаб кетган деворга гувала ураётган деҳқон ёнида қўлини чўнтакларига тиққанча, бир дона гувалани узатиб юбориш ўрнига, «Мен сизга данғиллама уй қуриб бераман, остонангизгача асфальт ётқизаман» деяётганга ўхшаб кетарди.

Жавлон Умарбеков ҳозиргача ҳам Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати эди. Яъни, у номзодлик ҳавасини кечириб қолмасдан, депутатлик масъулиятини ҳам бошидан ўтказганлардан.

— Ошкоралик туфайли одамларда давлат ишларига фаол аралашиш имкони туғилгани боис кўпчиликда депутат — халқнинг ишончли вакили бўлишга иштиёқ кучайганлиги табиий ҳолдир, — дейди у. — Ижтимоий ҳаётимизда муаммолар шу қадар кўпки, уларни халқ ташаббуси, аҳолининг кенг қисми иштирокисиз ҳал этиб бўлмайди. Лекин депутатнинг иши умумий камчиликлар рўйхатини тузиб, жамоатчилик эътиборини ана шу масалаларга қаратишдан иборат эмас. Депутат халққа нафи тегадиган юмушларни бажаришга эришиши лозим. Бу эса осон эмас.

Аввалги чақириқда Наманган область, Косонсой район, Тергачи қишлоқ Советидаги 277-сайлов округидан депутат қилиб сайланган эдим. Сайловчиларим асосан учта наказ беришганди. Шунга кўра Тергачи қишлоқ марказининг бош планини тайёрлаб бердим. Аҳолининг ўрта мактаб биносини қайта қуриш ҳақидаги талаблари ҳам амалга оширилди. Колхоз ҳаммоми қурилиб, ишга туширилди.

— Демак, салкам беш йил давомида асосан мана шу уч наказ бажарилишига эришгансиз?

— Шундай деса ҳам бўлади. Лекин, менинг назаримда, депутат фақат наказлар олиб, агар шундай истак билдирилмаса, қўл қовуштириб туравериши ножоиз. Депутат сайловчилари яшаётган шароит муҳитига туша билса, ўзини шу ер фарзандидек ҳис эта олса, вазифалар оёғининг остидан чиқаверади.

Мен буни ўзимни ташвиқот қилиш учун айтаётганим йўқ. Бу ҳар кимнинг ҳаётида учраши мумкин бўлган воқеа. Бир борганимда болалар боғчаси ёнидан ўтиб қолдим. Суҳбат чоғида боғчага газ киритилмагани маълум бўлди. Яна бир куни йўловчилардан бири билан суҳбатда улар яшаётган жой автобус бекатидан хийла узоқлиги туфайли қариялар қийналаётганлигини эшитиб қолдим. Шу воқеалар сабаб бўлиб, боғчага газ келтирилди, автобус маршрутига эса ўзгартириш киритилди.

— Ўйлаган режаларингиздан амалга ошмаганлари ҳам бўлдими?

— Ҳа, аммо улар шахсий ниятларим билан боғлиқ. Ҳар ҳолда мусаввирлик — асосий касбим. Район марказида республикамиз рассомлари совға қилган асарлардан махсус музей очиш ниятим бор эди. Бироқ баъзи объектив сабабларга кўра жой тайёр бўлмаганлиги важидан бунга эриша олмадим.

— Гапларингиздан шу нарса аён бўляптики, депутат бўламан деган киши енг шимариб ишлашига тўғри келади.

— Ўзи бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Бунинг устига депутатлик фаолияти фақат наказларни амалга ошириш билан чегараланмайди. Мисол учун, мен Ўзбекистон ССР Олий Совети қошидаги «Оналик ва болалик меҳнати ва турмушини муҳофаза қилиш» комиссиясининг аъзоларидан бириман. Комиссия аъзоси сифатида Тошкент шаҳри, ҚҚАССР, Андижон областидаги енгил саноат тармоқларида хотин-қизларга яратилган иш ва турмуш шароитларини ўрганишда иштирок этдим. Комиссия хулосасига кўра бу борада талай ижобий қарорлар қабул қилинди.

— Номзодингиз кўрсатилган Чоршанба қишлоқ Советида, улар сизни ёқлаб овоз беришса, қандай ишларни амалга ошириш ниятидасиз.

— Олдиндан бир нарса дейиш бироз ноқулай, албатта. Лекин менинг, энг аввало, юртимизнинг бир оддий фарзанди сифатида ўз программам бор. Қисқача у тўрт қисмдан иборат: соғлиқни сақлаш муаммолари, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш, маданият масалалари ва ниҳоят экология ҳамда тарихий ёдгорликлар, маънавий бойликларни асраш билан боғлиқ вазифалар...

Мақолага шу ерда нуқта қўйсак ҳам бўларди. Бироқ мен чоршанбаликларни бир нарсада бошқалардан кўра омадлари юришиб турганликларини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Улар Жавлон Умарбеков кўмагида қишлоқ Совети марказида республикамиз мусаввирлари асарларидан иборат махсус музей ва ёш рассомлар тўгараги очилишига ҳозирданоқ ишонаверишлари мумкин.

Саъдулла ҲАКИМ.

18 ФЕВРАЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ

Рўйхатга олинмоқда

Республикада Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш давом этмоқда. ЎзТАГ мухбирларининг хабарларига қараганда, сайлов комиссияларида қуйидагилар рўйхатга олинган:

31-Ўзбекистон сайлов округидан — Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Т. Ризаев.

* * *

76-Ленин сайлов округидан — «Правда Востока» газетасининг муҳаррири Р. А. Сафаров; Чирчиқ шаҳар касалхонасининг бош врачи М. С. Қамбаров.

* * *

140-Қатортол сайлов округидан — «Андижаннефть» бошқармасининг оператори М. Умаров; Андижон область ижроия комитети молия бошқармасининг бошлиғи М. А. Алимов.

* * *

259-Норинкапа сайлов округидан — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимининг академик-котиби А. Асқаров; Норин район комсомол комитетининг иккинчи секретари Б. А. Тошбеков; Норин район «Октябрь» колхозининг бригада бошлиқлари З. Н. Ҳусанова ва Ҳ. Қ. Қўчқорова.

* * *

343-Термиз сайлов округидан — Термиз шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. П. Холбоев.

* * *

388-Фарҳод сайлов округидан — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети умумий бўлимининг бошлиғи Қ. Т. Тоиров.

* * *

414-Намуна сайлов округидан — Қува район «Намуна» колхозининг раиси М. Шербўтаев; Қува районидаги 37-ўрта мактаб ўқитувчиси А. А. Қаландаров.

* * *

452-Хива сайлов округидан — Хива гилам ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори И. Аҳмедов; Хива шаҳар 20-болалар уйининг директори В. Б. Пак; Хива шаҳар ижроия комитетининг раиси Б. К. Нурматов.

* * *

492-Тахиатош шаҳар сайлов округидан — Тахиатош қурилиш материаллари ва деталлари заводи металл конструкцияларни йиғувчилар бригадасининг бошлиғи К. Саденов.

ҲИНДИСТОНГА МУҲАББАТ БИЛАН

Ўзбекистонлик ўн икки нафар мактаб ўқувчиси «Ҳиндистон ҳақида нималарни биласан!» республика билимдонлар конкурсининг совриндори бўлди. Конкурс иштирокчилари мингга яқин хилма-хил саволларга жавоб беришди. Конкурсда Ўзбекистоннинг ҳинд, инглиз ва урду тиллари чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган ҳамда умумий таълим мактабларидан икки юзга яқин ўсмир қатнашди.

Биринчи ўринни эз асосий совринни — карнавалларда ҳинд раққослари доим тақадиган маросим ниқобини тошкентлик ўн беш ёшли ўқувчи Олег Ҳасанов олди. У чет тилларни ўрганишга қизиқади ва бу унга фақат «Ҳинд» конкурсидагина эмас, шу билан бирга Монголия Халқ Республикаси, ГДР, Венгрияга бағишланган беллашувларда ҳам ғолиб чиқишга ёрдам берди.

Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги бош консулхонасида ғолиблар шарафига қабул уюштирилди. Болаларни билимдонлар конкурсининг бош ҳаками — бош элчи Йогендра Кумар табриклади.

— Мусобақа ҳинд халқи учун шонли бўлган икки сана — Жавоҳарлал Неру туғилган кунининг 100 йиллиги ва Ҳиндистон республика деб эълон қилинганлигининг 40 йиллиги шарафига ўтказилди, — деди Й. Кумар. — Мен совет ўқувчилари бизнинг тарихимиз ва маданиятимизга зўр муҳаббат билан муносабатда бўлаётганликларини, Ҳиндистонда юз бераётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлардан яхши хабардор эканликларини мамнуният билан қайд этаман. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги халқ дипломатияси келажакда ҳам ривожланиб, мустаҳкамланиб боравериши умид уйғотади.

Н. ПОЛЯНСКАЯ,
ЎзТАГ мухбири.

• *Касаба союзи: ишчи назорати ҳаракатда*

ФАЙЗСИЗ ОШХОНА

Тошкент область ишчи назорати инспекциясига «Иргидромаш» заводи ишчиларидан шу ердаги ошхонанинг сифатсиз хизмати ҳақида шикоят хати тушди. Ўтказилган текширишда Нариманов шаҳридаги бу ошхонада тартибсизлик, санитария нормаларининг қўпол тарзда бузилаётгани, ишчилар ҳақига хиёнат қилинаётгани каби фактлар содир бўлаётгани аниқланди. Инспекция ходимлари шунингдек, кассир Л. Дороҳованинг юлғичлигини ҳам фош этишди. Масалан, улар уч киши олган тушлик овқатни ҳисоблаб кўришганида кассир 15—20 тийиндан уриб қолгани маълум бўлди.

Ошхонадаги музхоналарда гўшт ва бошқа маҳсулотлар ҳеч қандай идишсиз оёқ остига ташланиб, уюлиб ётибди. Ошпазлар эса у ерга оёқ кийим билан кириб ўша маҳсулотларни олиб чиқишяпти. Ун, гуруч, шакар, нўхат, мош сақланадиган қопларнинг тагига тахта қўйилмаган, яшиклардаги макаронлар очиқ қолдирилган. Уларнинг устида сичқонлар югуриб юрибди. Нариманов шаҳар санитария-эпидемиология станцияси ходимлари бундай аҳволни назоратчилар олдида қайд қилдилар. Ошхонанинг қолган цехларида ҳам ана шундай нохуш манзара. Икки электр қозон ишламайди. Гўшт маҳсулотлари билан мевалар бир столда қайта ишланмоқда. Халатсиз ошпаз Э. Ёқубов ташқарида, алоҳида қозонда дамлаган паловини ишчиларга тарозисиз, кўз билан чамалаб, 41 тийин ўрнига 64 тийиндан сотяпти. Ишчилар назоратчиларга паловни ҳамиша шу нархда олаётганликларини айтишди.

Бир неча қадам нарида эса контейнерда ахлат тўлиб-тошиб кетган. Ишчилар у ердан тезроқ ўтиб кетишни ўйлайдилар. Ошхона овқатлари сифатини назорат қилиб турувчи медицина ходими М. Семинихина беш-олти кунлаб ўз вазифасини бажармас экан. Хуллас, завод ишчилари шикоят қилганларича бор. Уларга хизмат қиладиган бу ошхонада (директори Н. Яҳёев) савдо ва санитария қоидалари қўпол тарзда бузиляпти. Ошхона ходимлари ишни яхшилаш ўрнига назоратчиларга «Нега ҳадеб бизнинг ошхонага ёпишиб қолдинглар. Ахир, ён-веримиздаги завод ошхоналарида ҳам аҳвол шундайку»,— деб дағдаға қилишди. Наҳотки, Нариманов шаҳрида ишчиларга хизмат қилаётган бошқа ошхоналар ҳам шундай бефайз бўлса? Ишчи назорати аъзолари у ерларда ҳам текшириш ўтказишга қарор қилишди.

М. НАЗАРОВ.

Суратларда: «Иргидромаш» заводи ошхонасида ана шундай тартибсиз аҳвол ҳукм суряпти.

Муаллиф олган суратлар.



• *Мутахассис маслаҳати*

БИОСТИМУЛЯТОР ВА МАҲСУЛДОРЛИК

Маълумки, республикамизда етиштирилаётган ялпи гўштнинг асосий қисмини бўрдоқичилик комплекслари билан хўжаликлараро бирлашмалар етказиб бермоқда. Фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этаётган хўжалик ва бирлашмалар бу ишда муайян ютуқларга эришмоқдалар. Эндиликда фақат чорва молларининг сонини кўпайтириб бориш билангина иш битмайди. Уларнинг зотини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, бир сўз билан айтганда, чорвачиликни жадаллаштиришни кўзлаб иш тутиш лозим. Шу маънода ҳайвон организмининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, унда рўй берадиган модда алмашинуви жараёнларига муайян мақсадни кўзлаган ҳолда таъсир этиш ҳамда бу жараёнларни керакли изга солиш йўлларини қидириш аҳамияти ортиб бормоқда.

Бу ишда озуқа таркибидаги моддаларнинг организмга тўла «сингиши»га имкон яратадиган биостимуляторлар қўл келади. Шуниси қувончлики, фан-техника ютуқлари изчил қўлланилаётган хўжаликларда ҳозирги кунда ҳар бош қорамолнинг бир кеча-кундуздаги семириши ўртача 950-1000 граммни ташкил этмоқда, улар 16-18 ойлигида камида 450-500 килограмм тош босмоқда. Бу, энг аввало, чорва моллари, паррандаларни тез семиртиришга хизмат қиладиган қатор биостимуляторлар шарофатидандир.

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг биохимия кафедраси олимлари К. И. Скрябин номли Москва ветеринария академияси ва ГосНИИхлорпроектдаги касбдошлари билан ҳамкорликда ХКМ-300, ХКА, ХКМ-Ф, ХКМ-П, Ростом каби чорва маҳсулдорлигини оширадиган биостимуляторлар яратдилар ва ишлаб чиқаришга жорий этдилар. Сўнгги 6-7 йил давомида ХКМ-300 препарати суюқ ва кристал ҳолатида ишлаб чиқилиб, Иттифоқимизда, жумладан республикамиз областларида, чет элда ҳам кенг миқёсда қўлланилмоқда. Биостимуляторлардан фойдаланиш чорва молларининг семиришини қўшимча 15-20 процентга оширмоқда.

Олиб борилган илмий текширишлар шуни тасдиқладики, бузоқлар 80-100 килограмм тош босадиган бўлганидан кейингина емга бундай препаратлар қўшиб боқилса, тез семиради. Юқорида айтиб ўтилган препаратлар ичида тўла тўкис ишлаб чиқилган ва чорвачиликда кенг кўламда қўлланилаётгани ХКМ-300, ХКА ва Ростом препаратлари ҳисобланади.

ХКМ-300 препарати оч сариғиш рангли суюқлик бўлиб, таркибида хлор кислотаси тузларини сақлайди. Ҳар 100 килограмм тирик вазн ҳисобига олинадиган хлор кислотаси ионининг 2,1 миллиграмм дозаси чорва молини семиртиришни жадаллаштириш учун маъқул ҳисобланади ёки ҳар 100 килограмм вазндаги чорва моли озуқасига 0,7 миллилитр ХКМ-300 биостимулятори қўшиб берилади.

Чорва молларига (қорамол, чўчқа, қўй, парранда) препаратни сувда суюлтириб озуқага (шелуха, кунжара ем) сепиб берилади. Акс ҳолда ижобий натижа бермайди. Препаратни чорва моллар озуқасига сурункасига 3 ой давомида сепиб берилади. Мабодо чорва молларини узоқ муддат давомида биостимулятор билан боқиш керак бўлса, ҳар 3 ойдан сўнг 15-20 кун давомида препарат беришни тўхтатиб, сўнгра яна давом эттириш мумкин.

Биостимуляторлар заҳарли эмаслигини, организмда тўпланмаслигини ва сутка давомида организмдан бутунлай чиқиб кетишини ва гўшт, ёғ маҳсулотларига ҳеч қандай таъсир этмаслигини алоҳида қайд этиш керак. Хлор кислотаси тузлари асосида яратилган препаратлар гормонал стимуляторлардан фарқли ўлароқ, чорва молларининг эндокрин функциясига таъсир этади. Демак, қорамол, қўй-эчки, шунингдек, чўчқа ва бройлерларни семиртиришда уни бемалол қўллаш мумкин.

РСФСР, Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи республикалари ва Ўзбекистоннинг қатор районларида ХКА ва ХКМ-300 препаратлари илмий ва саноат йўли билан синовдан ўтказилди. Бундай стимуляторларчинг қўлланилиши натижасида, дастлабки ҳисобларга кўра, ҳар бош қорамолнинг тирик вазни қўшимча ортиши ҳисобига 26 сўм 80 тийиндан иқтисодий фойда кўрилди. Биологик актив моддаларнинг яна бир афзаллиги шундаки, улар арзон ва атроф-муҳитга безарардир. Бўрдоқига боқилган молларни гўштга топширишдан 7 кун илгари биостимулятор бериш тўхтатилади.

Кафедра олимлари ХКМ-300 биостимуляторини республика бўрдоқичилик комплексларига ва хўжаликлараро бирлашмаларга шартнома асосида етказиб бериб туради. Ҳозирги вақтда кафедра илмий ечимлари Қорақалпоғистон автоном республикасида, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм область хўжаликларида кенг миқёсда қўлланилмоқда. Уч ой давомида узлуксиз биостимулятор билан боқилганда юқорида айтиб ўтилган областлардаги чорвачилик комплексларида ўртача 10—15 килограмм ортиқча гўшт маҳсулоти етиштиришга эришилди.

Шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, республикамиз колхоз ва совхозларида бузоқларнинг кунлик ўсиши атиги 100—150 граммни ташкил этмоқда. Бунинг натижасида ёш молларни боқиб, гўштга топшириш колхоз ва совхозлар учун қимматга тушиб кетяпти.

Кафедрамиз олимлари сўнгги йилларда маҳсулот таннархини камайтириш йўлида муайян ютуқларга эришдилар. Масалан, Тошкент областидаги «Рассвет», «ВЛКСМ 50 йиллиги», Сирдарё областидаги «КПСС XXV съезди» саноат комплексларида бузоқларни сўқимга боқиш технологияси ишлаб чиқилган. Шунга қарамай, республикамиз колхоз ва совхозлари ёш ва вазни кондиция (200—300 килограмм)га етмаган қорамолларни гўштга топшириб, чорвачиликни ривожлантиришга катта зарар етказмоқдалар. Гўштга топширилаётган орик, кондицион вазнга етмаган қорамоллар саноат комплекслари ва хўжаликлараро бирлашмаларга топширилса, айни муддао бўларди. У ерда интенсив технология усули билан 2-3 ой давомида боқилган қорамол 400—450 килограммгача гўшт қилади. Шу усул билан республика бўйича 25000 тонна қўшимча гўшт маҳсулоти тайёрлаш мумкин.

Бундан ташқари, республикамиздаги мавжуд бўрдоқичилик комплекслари тўла қувват билан ишламаслиги ҳам чорвачиликнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Бу комплексларда озуқа етишмаслиги сабабли қорамоллар кам сақланади. Бунга Қорақалпоғистон автоном республикаси, Қашқадарё, Хоразм, Бухоро, Тошкент областидаги ана шундай комплексларни мисол қилиб олиш мумкин. Агар бу комплекслар озуқа билан тўлиқ таъминланса, қўшимча 5000 тонна гўшт тайёрлаш мумкин бўлар эди. Бўрдоқичилик комплекслари ва хўжаликлараро корхоналарда моллар асосан пахта чиқиндиси, шелуха билан семиртирилади. Кунжара ва бошқа емлар бу комплексларда кўпинча етишмайди ёки умуман берилмайди. Кунжара асосан протеиндан иборат, ёш молларга, соғин сигирларга ва бўрдоқига боқилаётган моллар учун жуда зарур.

Республикада етиштирилаётган шелуханинг ҳаммасини, кунжара ва емнинг 75 процентини чорвачиликни ривожлантириш учун қолдирсак, аҳолини гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш анча яхшиланган бўларди. Ваҳолонки, давлат томонидан республикамизга ажратилган омихта ем эҳтиёжнинг 40-50 процентини ташкил этяпти, холос. Бундан ташқари, келаётган омихта ем сифати ҳам яхши эмас, яъни протеин миқдори кам. Саноат комплекслари ва хўжаликлараро корхоналар етарли шелуха, кунжара ва дон маҳсулотлари билан таъминланса, қорамолларнинг бир суткалик ўртача семиришини ҳозирги пайтдаги 450—500 грамм ўрнига, 900—1000 граммгача етказиш мумкин.

Республика хўжаликларини биостимуляторлар билан таъминлаш кафедрамиз зимасида, 1989 йилдан бошлаб бўрдоқичилик комплекслари билан хўжалик шартномаси асосида ишлаш йўлга қўйилган. Биостимуляторлардан самарали фойдаланиш учун турли методик қўлланмалар ишлаб чиқилган ва бу соҳада семинарлар ўтказиляпти. Иттифоқимиздаги олимлар билан ҳамкорликда биологик актив моддаларни ёш бузоқларга, чўчқаларга ва парандаларга донга қўшиб бериш хусусида қизиқарли илмий ишлар амалга оширилмоқда. Энди гап мана шу янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий қилишда. Коллективимиз хўжаликлар билан шартнома тузишга тайёр.

С. ХОЛИҚОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалик институти биохимия кафедраси мудири, Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти лауреати.

• *Якун ва режалар*

КЎНГИЛ ҲАМ, ҲАМЁН ҲАМ ТЎЛМОҚДА

Деҳқон календарида ҳам янги йил бошланди. Эски йилнинг сўнгги варағини йиртар экан, бу йилнинг қутлуғ келишини, деҳқончилик йили бўлиб қолишини орзу қилмаган дала дарғаси бўлмаса керак. Негаки, ўтган йилда табиат кўп инжиқлик қилди. Биз ҳам табиат ноқулайликларига қарши меҳнатимизни, куч-ғайрат ва тажрибамизни қарши қўйдик. Баҳорда 1900 гектар майдондаги чигит қайта экилди. Ниҳоят, тадбиркорлик музаффар келди, тажриба асқотди.

Давлатга пландаги 2 минг 900 тонна ўрнига 3300 тонна юқори сифатли пахта топширилди. Шунинг 2 минг 960 тоннаси машиналар билан терилди. Дала ишларининг оилавий пудрат асосида уюштирилганлиги, айниқса яхши самара берди. Мавжуд 3 та агроучастка, 71 та оилавий бригада ва звенолар пахтадан юқори ҳосил олдилар. Д. Эргашев, Ж. Усмонов, А. Бойтўраев бошлиқ агроучасткаларда йиллик пахта тайёрлаш планлари 130-150 фоизга етди. Н. Умрқулов, Э. Оқноров, Б. Эсонов, А. Тиловов бошлиқ бригадалар ҳар гектар ердан 38-40 центнердан хирмон кўтардилар.

Меҳнат аҳлини моддий ва маънавий рағбатлантириш алоҳида эътиборимизда бўлди. Машинада терилган ҳар тонна пахтага 15-20 сўмдан ҳақ тўланди. Бу эса пахтани техника ёрдамида ўз вақтида териб олишни таъминлади. Машина терилган 150 минг сўм маблағ тежаб қолинди.

Ўтган йили ҳар тонна пахтанинг таннархи 1988 йилга нисбатан 20 сўмга арзонлашди. Хўжалик иқтисоди анча мустаҳкамланди. Пахтачиликнинг ўзидан 4 миллион 800 минг сўм даромад олдик. Шунинг қарийб 2 миллион сўми соф фойдадир.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам ибратли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Давлатга 135 тонна ўрнига 230 тоннадан кўпроқ сут сотилди. Ҳар бош соғин сигирдан ўртача 2 минг 900 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олинди. Гўшт, жун, тухум ва қоракўл тери тайёрлаш йиллик планлари ҳам ошириб бажарилди.

Шу кунларда келгуси йил мўл ҳосилига пухта тараддуд кўрмоқдамиз, 2200 гектарли майдон сифатли шудгор қилинди. 24 та техника ер текислаш, ариқ ва зовурларни тартибга келтириш билан шуғулланмоқда.

Давлатга пландаги 2 минг 900 тонна ўрнига 3300 тонна юқори сифатли пахта топширилди. Шунинг 2 минг 960 тоннаси машиналар билан терилди. Дала ишларининг оилавий пудрат асосида уюштирилганлиги, айниқса яхши самара берди. Мавжуд 3 та агроучастка, 71 та оилавий бригада ва звенолар пахтадан юқори ҳосил олдилар. Д. Эргашев, Ж. Усмонов, А. Бойтўраев бошлиқ агроучасткаларда йиллик пахта тайёрлаш планлари 130-150 фоизга етди. Н. Умрқулов, Э. Оқноров, Б. Эсонов, А. Тиловов бошлиқ бригадалар ҳар гектар ердан 38-40 центнердан хирмон кўтардилар.

Меҳнат аҳлини моддий ва маънавий рағбатлантириш алоҳида эътиборимизда бўлди. Машинада терилган ҳар тонна пахтага 15-20 сўмдан ҳақ тўланди. Бу эса пахтани техника ёрдамида ўз вақтида териб олишни таъминлади. Машина терилган 150 минг сўм маблағ тежаб қолинди.

Ўтган йили ҳар тонна пахтанинг таннархи 1988 йилга нисбатан 20 сўмга арзонлашди. Хўжалик иқтисоди анча мустаҳкамланди. Пахтачиликнинг ўзидан 4 миллион 800 минг сўм даромад олдик.

Шу кунларда келгуси йил мўл ҳосилига пухта тараддуд кўрмоқдамиз, 2200 гектарли майдон сифатли шудгор қилинди. 24 та техника ер текислаш, ариқ ва зовурларни тартибга келтириш билан шуғулланмоқда.

Хўжалик ҳамёнининг тўлиб бориши посёлкамиз ободонлигига жиддий таъсир қилмоқда. Коттеж типидаги ўнлаб уй-жой, 524 ўринли мактаб, болалар боғчаси, чойхона, магазин, ҳаммом, қишлоқ хўжалик - машиналари парки қурилиб, ишга туширилди. Ҳозирда 400 ўринли қишки кинотеатр, 10 минг ўринли стадион барпо этилмоқда.

Хўжалигимизда ечимини кутаётган муаммолар ҳам анчагина. Турғунлик йилларида чала-чулпа қурилган ёпиқ дренажлар ишламаяпти, 60 километрли ёпиқ дренаж ҳам ночор аҳволда. Уй-жойлар лойиҳаси замон талабидан анча орқада қолган. Устига-устак бетондан уй қуришга зўр бериляпти. Бу ҳақда «Каршистрой» бирлашмаси ва 7-корхоналар дирекцияси раҳбарлари жиддий ўйлаб кўрсалар яхши бўларди. Негаки, меҳнат аҳлига ғамхўрлик қилишдан ҳам муҳимроқ ва заруррроқ вазифа йўқ.

У. КАРИМОВ,
Косон районидаги Чуйков номли совхоз директори.

• *Луқма*

ИШОНЧНИ ҚАДРЛАШ КЕРАК

Асакаликлар Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси бошлиғи Н. А. Белогуровга ишонишмай қўйишди. Сабаби аён. Чунки у 1987 йил 12 декабрда бўлиб ўтган Ленинск шаҳар партия комитетининг пленумида «Асака» темир йўл вокзали 1988 йилда, албатта, ишга тушади, деб қатъий сўз берганди. Бошлиқ ўз ваъдасини унутган бўлса ҳам, йўловчилар ёдларидан чиқарганларича йўқ.

Буни қаранг-а, планга кўра 1984 йили қуриб битказилиши керак бўлган вокзал биноси ҳанузгача топширилгани йўқ. Халқимиз: «Бетнинг қаттиги, жоннинг ҳузури»—деб бежиз айтмаган экан. Бўлмаса, «Совет Ўзбекистони» газетасида «Ваъдага вафо бўладими?» (1988 йил 2 апрель) сарлавҳали танқидий мақола орқали Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси раҳбарлари билан очиққасига гаплашиб олинганди. Мақола юзасидан расмий жавоблар олиниб, уларда қурилишни тезлаштириш бўйича шошилинч чора-тадбирлар белгиланганлиги айтилганди. Афсуслар бўлсинки, кўрилган чора-тадбирлар битилган қоғозлар сарғайиб кетмоқда, бино эса ҳануз фойдаланишга топширилгани йўқ.

Мана, 1990 йил ҳам кириб келди. Тез-тез ёғингарчиликлар бўлиб турибди. Аҳвол эса ўша-ўша. «Асака» станцияси перронидаги қору ёмғирда уст-боши шалаббо бўлиб турган йўловчиларга кўзи тушган киши ачинади. Изгиринли совуқни айтмайсизми?

Бизнингча, Н. А. Белогуров ҳам, Ленинск шаҳар раҳбарлари ҳам халқ ишончини қадрламай қўйганга ўхшайдилар.

Д. ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 550 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

НАВОИЙХОНЛИККА МАРҲАБО!

Маълумки, келгуси йили бутун тараққийпарвар инсоният улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигини нишонлайди. Ана шу қутлуғ санага республикамиз ижодий уюшмалари ва бадиий коллективлари қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси залида бугун ўтказиладиган навоийхонлик ана шундай тўёна тадбирлардан. Бу ҳақда мухбиримизга Композиторлар уюшмасининг раиси А. Ҳ. Жабборов қуйидагиларни гапириб берди:

— Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор эълон қилиниши билан худди шундай тадбир ўтказишни кўнглимизга тугиб қўйган эдик. Музикашуносларимиз, санъаткорларимиз, қолаверса, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг профессор-ўқитувчилари навоийхонликка алоҳида муҳаббат ва масъулият билан тараддуд кўрдилар.

Навоийхонликда атоқли олим, филология фанлари доктори, профессор Алибек Рустамов иштирок этиб, буюк шоир ва мутафаккирнинг фалсафий дунёқарашлари, анъаналари, мактаблари ҳақида гапириб беради. Музикашунос, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Отаназар Матёқубов Навоий ва мусиқа мавзуида маъруза қилади.

Устоз композитор, Ўзбекистон ССР халқ артисти Мутал Бурхонов санъаткорларимиз орасида биринчи бўлиб, Алишер Навоий ҳақида опера яратган ижодкор. У ёзган янги асар шоир юбилейига муносиб совға бўлиши, шубҳасиздир. Композитор навоийхонликда қатнашиб, операнинг яратилиш тарихи ҳақида сўзлаб беради. Унинг бевосита иштирокида «Алишер Навоий» операсидан парчалар ижро этилади.

Тошкент Давлат консерваторияси Шарқ музикаси кафедрасининг ўқитувчилари ва талабалари эса Алишер Навоий ғазалларига ёзилган музика асарларини ижро этишади ва куйлаб беришади.

Музика навоийхонлигини мунтазам давом эттирамиз. Навбатдаги худди шундай тадбир февраль ойида ўтказилади. Шуниси қувончлики, кейинги навоийхонлик рус тилида бўлади.

Бугун бошланадиган навоийхонлик уюшмамизнинг Алишер Навоий 550 йиллиги муносабати билан ўтказадиган кўплаб тадбирларининг дебочасидир.

«РАВШАН» НЕМИС ТИЛИДА

• *Умрбоқий хазина*

Бонн университетининг профессори, доктор Карл Райхлни ўзбек адабиётининг Германия Федератив Республикасидаги жонкўяр таржимони, тарғиботчиси, яқин дўсти, дейиш мумкин. Профессор 1978 йили «Ўзбек эртаклари»ни немис тилида нашр эттирди. У эртакларни бевосита ўзбек тилидан таржима қилди. Китобда аввал эртакларнинг ўзбекчаси, сўнгра немис тилидаги таржимаси берилган. Тушунилиши қийинроқ бўлган ибораларнинг изоҳи ҳам илова қилинган ва каттагина қисмини ўзбекча-немисча луғат эгаллаган.

Профессор К. Райхлнинг асосий ихтисоси ўрта аср инглиз тили ва адабиёти мутахассислиги бўлишига қарамай, у ўзбек тили ва адабиётига меҳр қўйди. «Инглиз халқ эпосларини янада чуқурроқ ва мукаммалроқ ўрганиш учун уларни шаклан яқинроқ бўлган бошқа бир халқ эпоси билан қиёслашга тўғри келди, — дейди профессор Райхль. — Шу мақсадда ўзбек достонларини танладим. Бунинг учун мен олис юртда туриб мустақил равишда ўзбек тилини ўрганишга киришдим. Қиёслаш учун айнан ўзбек достонларини танлаганимдан, хусусан ўзбек халқига, адабиётига меҳр қўйганимдан бениҳоя хурсандман».

Адабиётшунос олим немис халқини ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари билан янада кенгроқ таништиришга астойдил бел боғлаганлигини «Равшан» достонини бевосита таржима қилганлигида ҳам кўриш мумкин.

«Равшан» достони ГФРнинг Висбаден шаҳридаги Отто Харрасовитц нашриётида «Осиёга оид тадқиқотлар» туркумида босилиб чиқди. Асар Шарқ ва Марказий Осиё халқлари тарихи, маданияти ва тилига оид монографиялар туркумига мансуб. Ў Бонн университетининг Марказий Осиёни ўрганиш курси тилшунослик ва маданиятшунослик бўлимларига атаб нашрга тайёрланган.

Китобнинг умумий ҳажми 229 саҳифадан иборат. Нашрда асар таржимасидан ташқари, олимнинг ўзбек достонига бағишланган «Бахши ҳақида маълумот», «Қўлёзма ва нашри», «Тили», «Услуби» каби илмий тадқиқотлари ҳам ўрин олган.

Профессор Карл Райхлнинг ўзбек халқ ижодидан яхшигина хабардорлиги ва достонлар ҳақида зарурий маълумотга эгалиги таржима ишида қулайлик туғдирган. «Равшан» достонининг таржимаси немис халқининг маънавий хазинасини бойитишга хизмат қилади.

Ғ. МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

1990 йилда металлолом йиғиш ва топшириш билан шуғулланиш истагини билдирган барча кооператив раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

«УЗВТОРЧЕРМЕТ» РЕСПУБЛИКА ИШЛАБ-ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

25 январь соат 14.00 да металлолом йиғиб топшириш, шартномалар тузиш ва ўзаро ҳисоб-китоб билан боғлиқ бўлган саволларни ҳал қилиш учун йиғилишга сизларни таклиф қилади. Йиғилиш қуйидаги адресда бўлади: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 14-уй.

Справкалар учун телефон: 58-65-76.

«Узвторчермет» Республика ишлаб чиқариш бирлашмаси.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СССР Қурилиш министрлигига қарашли «ТРАНСИГНАЛСТРОЙ трестининг 820-ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ПОЕЗДИ

Шассесига 7-тонна оғирлик тушадиган янги ёнилғи қуювчи баҳоси 15.384 сўм бўлган «МАЗ-53-53» маркали Янги автомашинани борти узун бўлган Янги «МАЗ» ёки «КАМаз» автомашинаси ёки «ВОЛГА» ГАЗ-24-10 автомашинасига

АЛМАШТИРИШИ МУМКИН

Қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинсин: 96-58-70, 96-72-51, 96-72-30, 96-74-12.

Адрес: 700074, Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Махзуна кўчаси, 1-тупик, 14-«а» уй.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ФАҚАТ 10 КУН

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

ЯНГИ ПРОГРАММА

«ИЛЛЮЗИОН РЕВЮ»

Япония радио-телевидениесининг гран-при совриндори, Буюк Британия сеҳргарлари уюшмасининг кумуш таёқчаси совриндори, Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган артист ЛИДИЯ АБДУЛЛАЕВА ва ИККИ БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММА.

ПРОГРАММАДА ЦИРК САНЪАТИНИНГ БАРЧА ЖАНРЛАРИ ИШТИРОК ЭТАДИ.

ТОМОШАЛАР:
17, 18, январь соат 19.30 да;
20 январь соат 16, 19.00 да;
21 январь соат 12, 15, 18.00 да

БОШЛАНАДИ

Олдиндан билет сотиш кассалари очиқ. Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Справкалар учун телефонлар: 44-45-91, 44-35-84, 44-29-04.



• *Ватанимизнинг жанубий сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаб*

ҲАМИША ҲУШЁР

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи жангчилари ўзларининг шонли анъаналарига содиқ бўлган ҳолда жанубий чегараларимизни ҳамиша ҳушёр ва сезгир қўриқлаб турибдилар. Улар севимли диёримизнинг дахлсизлигини таъминлаб, эл-юрт ишончини оқламоқдалар. Бундай жанговар сафда Амударёда чегараларимизни ишончли равишда қўриқлаб келаётган денгизчиларимиз ҳам бор. Яқинда Ўзбекистон телеграф агентлигининг суратқаш мухбирлари ана шу ерда бўлиб, ҳарбий денгизчиларнинг ҳаётини акс эттирувчи бир қанча лавҳаларни суратга туширдилар.

Офицер Евгений Козин командирлик қилаётган денгиз чегарачилари ўз зиммаларидаги топшириқларини аъло даражада адо этиб, ҳар қандай шароитда ҳам — ёзнинг жазирама яллиғида ҳам, қишнинг изғирин паллаларида ҳам ўз постларида ҳушёр туришибди.

Катта лейтенант Сергей Лавушкин командирлик қилаётган кема экипажи ҳақида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин. Мазкур экипаж жанговар ва снёсий тайёргарлик аълочиси деган юксак номни ҳар доим оқлаб келаётир. Матросларидан Андрей Мороз, Руслан Салимгареев, Сергей Короленко, Андрей Иванов, Олег Захарченко, катта мичман Василий Марченко, учинчи класс капитани Александр Пиванов, кема капитанларидан Юрий Борисов, Виталий Литвинов ўз хизматларини садоқат билан бажаришяпти.

Суратларда: 1. Эрталабки развод пайти. 2. Ўз жанговар хизматини ҳамиша аъло бажариб келаётган кема капитани, коммунист Виталий Монсеевич Литвинов ўз экипажи билан (ўртада).

Р. ШАГАЕВ,
И. ХУЖАЕВ суратлари.
(ЎзТАГ).

НОМИНИ ЭЪЗОЗЛАБ

● Калтаминор қишлоғининг кекса-ю ёши Ёқуб Эломонов номини ҳурмат билан тилга олади. У 30-йиллар бошларида қишлоқда колхоз тузилишининг фаол иштирокчиларидан бўлган. Унинг ташаббуси билан коллектив хўжаликлар асосида М. Горький номли қишлоқ хўжалиги артели ташкил топганди.

Дастлаб 300 гектарга етар-етмас ери, саноқли отулови, омоч-кундаси бўлган хўжаликка Ё. Эломоновни раҳбар қилиб сайладилар. Улуғ Ватан уруши ва ундан кейинги йилларда қишлоқнинг социал аҳволини яхшилаш борасида фидокорона меҳнат қилди.

Яқинда «Югкаракалпакводстрой» трестига қарашли 68 - механизациялашган кўчма колонна қурувчилари хўжаликда 392 ўринли янги мактаб биносини қуриб, фойдаланишга топширишди.

Қишлоқ аҳли илтимосига кўра, янги мактабга колхоз ветерани, уста пахтакор Ёқуб Эломонов номи берилди.

Б. НАЗАРОВ,
Тўрткўл райони.

ЛОҚАЙДЛИК — ҚАЙТА ҚУРИШ ДУШМАНИ

БОЛАЛАР СОҒЛИҒИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА РЕСПУБЛИКА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ НАЗОРАТИДА

Болалар бизнинг келажагимиз. Келгусида биз белгилаган улуғвор режаларнинг амалга ошиши, Ватанимизнинг қудратли ва обод бўлиши, халқимизнинг фаровон, ҳузур-ҳаловатда яшаши жажжи фарзандларимизнинг тарбияси, соғлом-бақувват бўлиб ўсишига боғлиқ.

Сир эмас, ҳозир Ўзбекистон ССРдан ҳарбий ҳизматга чақирилаётган йигитларнинг кўпчилиги асосан қурилиш бўлинмаларида меҳнат қилишяпти. Бу, бир томондан, уларнинг рус тилини яхши билмаслиги, билиминнинг бирмунча саёзлиги бўлса, иккинчи томондан, жисмоний жиҳатдан жанговар қисмлар талабига жавоб бера олмаётганликларидадир. Чунки ёшлигидан чиниқтириб, тўйимли, мазали, сервитамин овқатлар билан боқиб ўстирилмаган, кераклн вақтда малакали тиббий ёрдам кўрсатиб, мурғак организмнинг соғлом равожланиши таъминланмаган болаларнинг жисмоний бақувват бўлишлари асло мумкин эмас.

Ҳар куни республика газеталари, Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси редакцияларига юзлаб хатлар, шикоятлар, аризалар келиб туради. Уларнинг аксариятида жойларда мактабгача тарбия болалар муассасаларинг етишмаслиги, улар ишининг талабга жавоб бермаслиги, медицина хизмати кўрсатиш даражаси ниҳоятда пастлиги, мактабларда ёшларнинг таълим-тарбияси, овқатланишида жиддий нуқсонлар борлиги ҳақида ҳаққоний фикрлар айтилган.

Ҳозир республика партия-ҳукумати турғунлик даври иллатларидан тезроқ қутилиш ҳақида жиддий, таъсирчан чоралар кўрмоқда. Жумладан Ўзбекистон ССРни миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожлантиришнинг, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг асосий йўллари бўйича Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурида: «Ўзбекистон Компартияси оналик ва болаликни ҳимоя қилишни, ҳар бир бола соғлом ва уйғун ўсиши учун барча шарт-шароитларни яратишни ўзининг маънавий бурчи, деб ҳисоблайди, дейилиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Аммо белгиланган режаларнинг қоғозда қолиб кетмаслиги, уларнинг тўла-тўкис бажарилиши маҳаллий партия, совет, хўжалик органларининг ўз ишларини, вазифаларини қай тарзда бажаришларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Агар улар эл-юрт ишига чин дилдан киришсалар, ташаббускорлик, омилкорлик, ғайрат-шижоат кўрсатсалар, ёш авлоднинг маънавий баркамол, жисмонан соғлом ва бақувват ўсиши таъминланиши, шубҳасиздир.

«Совет Ўзбекистони» газетаси ва республика телевидениеси ёш авлод тарбияси ва уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ишига ҳисса қўшиш мақсадида 1989 йил охиридан бошлаб жойларда рейдлар уюштирди. Ана шу қўшма рейдлар материаллари «Болалар соғлиғини муҳофаза қилиш — «Совет Ўзбекистони» газетаси ва республика телевидениеси назоратида» рубрикаси остида газета саҳифаларида эълон қилиниб, экранлар орқали намойиш этиб борилди. Рейд материалларида республика областлари, шаҳарлари ва қишлоқ районларидаги болалар муассасалари, профилакторийлар, санаторийлар, болалар уйлари ва пионер лагерлари, шифохоналарда фарзандларимизнинг соғлом ўсиши, нормал яшаши учун яратилган шарт-шароитлар, эътибордан четда қолаётган имкониятлар, ечимини кутаётган муаммолар атрофлича ёритилди.

Хуллас, ўтган йил мобайнида «Совет Ўзбекистони» газетаси ва республика телевидениеси ходимлари томонидан жами 9 маротаба қўшма рейд уюштирилди. Ана шу рейдлар мобайнида даволаш муассасаларидаги аҳвол, боғчалар, ясли-лларда шароитнинг ёмонлиги, тайёрланаётган овқатларнинг сифатсизлиги, айрим колхоз ва совхозлар раҳбарларининг отаоналари тер тўкиб етиштирган маҳсулотдан болаларнинг баҳраманд бўлишига имкон беришмаётгани ҳақидаги жиддий камчиликлар очиб ташланди.

Ана шу камчиликларнинг бартараф этилишини газета ва телевидение ўз назоратига олганлиги айтиб ўтилди. Рейд материалларига доир қилинган ишлар бўйича ахборот бериш жавобгар шахслардан талаб этилди. Давр талабини тўғри тушиниб етган, хато ва камчиликларни ўз вақтида англаб, уларни тузатиш учун амалий чоралар кўришга киришган айрим ташкилотлардан танқид бўйича қилинган ишлар ҳақида жавоблар олинди.

Масалан, «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1989 йил 24 март сонида эълон қилинган ва республика телевидениесида шу куни намойиш этилган «Бу боқибегамлик-ку!» сарлавҳали қўшма рейд материалида Марғилон шаҳрида 10 мингдан зиёд бола боғча-яслиларга жалб этилмаганлиги, шаҳар мактаблари ошхоналарида аҳвол талаб даражасида эмаслиги, комсомол посёлкасидаги 12-боғча биноси ярим йилдан зиёд вақтдан бери авария ҳолатида бўлгани учун болалар санитария-гигиена қоидаларига тўғри келмайдиган бошқа бинода тарбияланаётгани, Бағдод районидаги «Дилшод» боғчасидаги тартибсизликлар, боғча-яслиларда кичкинтойларни озиқовқат билан таъминлаш ночорлиги, болалар шифохоналаридаги ноҳушлик кескин танқид қилинган эди.

Ана шу рейд материали юзасидан юқори ташкилотлардан жавоблар олинди. Жумладан халқ депутатлари Фарғона область Совети ижроия комитети юборган мактубда шундай дейилади:

«Рейдда мактабгача болалар муассасалари, мактаблар, медицина муассасаларидаги камчиликлар тўғри танқид қилинган. Уларни бартараф этиш бўйича конкрет тадбирлар белгиланиб, бажаришга киришилди. Мактабгача тарбия муассасалари, мактабларда болаларнинг овқатланишини ташкил этиш жойларда, ҳамда область ижроия комитетининг тегишли бўлимлари ва бошқармаларида атрофлича кўриб чиқилди. Мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, ҳунар техника билим юртларида умумий овқатланишни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича махсус программа тузилиб, амалга оширилмоқда.

Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарларидаги сут-ошхона Фарғона, Фрунзе, Охунбобоев районларига бириктириб қўйилди. Санэпидстанция органлари томонидан санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларга риоя қилиш қаттиқ назорат остига олинди. 1989 йилнинг биринчи чорагида 1989 йилнинг шу даврига нисбатан болаларнинг вирусли сариқ касали билан оғриши 2 процент камайди. Боғчалар ва мактабларнинг медицина асбоб-ускуналари ва дори-дармонларга бўлган буюртмаларини навбатсиз қондириш масаласи ҳал этилди».

Шунингдек, юқоридаги сарлавҳа остидаги рейд юзасидан Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ҳам амалга оширилган ва бажарилаётган ишлар ҳақида маълумот берган.

Бундан ярим ойча муқаддам, «Совет Ўзбекистони» газетасида « Орол болалари» сарлавҳали рейд эълон қилинган ва у бир оз олдин телевидение орқали намойиш этилганди. Унда Автоном республика шаҳарлари, қишлоқларидаги болалар боғчалари, мактабларда таълим олаётган болаларга яратилган шароитларнинг ночорлиги ҳаққоний кўрсатилганди. Ана шу масала юзасидан Чимбой район партия комитетидан расмий жавоб олинди.

Унда таъкидланишича, райондаги Ленин номли мактабда синфларни ситиш йўлга қўйилган. Ошхона тартибга келтирилиб, ишга туширилган. Ҳозир бу ерда ўқитувчиларга сифатли таомлар тайёрлаб берилаётир. Рейдда мактабда санитария-гигиена қоидалари ёмонлиги кўрсатилган эди. Ҳозир мана шу камчиликларга чек қўйилган. Кўрилган чора-тадбирлардан болалар ҳам, ота-оналар ҳам, мактаб педагогика коллективи ҳам хурсанд.

Лекин, афсуски, ҳамма мутасадди ташкилотлар ҳам газета ва телевидениенинг танқидий чиқишларга зийраклик билан эътибор беряпти, деб бўлмайди. Айрим боқибегам раҳбарлар бир неча бор огоҳлантиришлар юборилганига қарамай жонларини қойитгилари келмаяпти.

Масалан, ўтган йил февраль ойида чоп этилган ва кўрсатилган «Фарзанд ниҳолдир» рейдига Бухоро области, июль ойидаги «Истиқболнинг бугунги дардлари» рейдига Хоразм области, июль ойидаги «Оналар бахтиёр бўлсин» сарлавҳали рейдига Наманган области, август ойидаги «Ҳамма яхши нарсалар...» сарлавҳали рейдга Қашқадарё области, декабрь ойидаги «Муҳим омил эътиборда» сарлавҳали рейдга Сурхондарё области, партия, совет ташкилотлари лоқайд муносабатда бўлишган.

Лоқайдлик — қайта қуриш душмани. Ҳозирги янгиланиш ва покланиш даврида лоқайдларча иш юритаётган баъзи мансабдор шахсларнинг бундай хатти-ҳаракатлари меҳнаткашларда қайта қуришнинг муваффақиятига шубҳа уйғотиши мумкин. Шундай экан, матбуотнинг ҳар бир танқидий чиқишидан зарур хулоса чиқариб, ўз ишида жиддий ўзгариш ясаш ҳаммамизнинг виждоний ишимиз бўлмоғи керак.

Шу йил бошидан бошлаб, мактабларнинг бошланғич синф ўқувчиларига бепул овқатланиш ҳуқуқи берилди. Ҳар бир янгилик каби бу эзгу иш ҳам жойларда бюрократик тўсиққа учраши мумкин. Шуни ҳисобга олиб, «Совет Ўзбекистони» газетаси ва Ўзбекистон телевидениеси мана шу хайрли тадбирнинг амалга оширилишини назорат остига олади ва бу ҳақда рейд материаллари бериб боради.

К. РИХСИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири.
Т. МУЛЛАБОЕВ,
Ўзбекистон телевидениеси Болалар ва ўсмирлар бош редакцияси бўлим мудири.

• *Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ*

БАҲОНА КЎП-У...

Биз ҳар доим ҳам гўзал табиатимиз сахилигидан тўғри фойдаланамизми? Баъзан оёғимиз остидаги бебаҳо бойлигимизни қўйиб, чўл-биёбонлардан бойлик қидириб, қимматли вақтимизни сарфлаймиз. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, қабилида иш тутамиз. Яхшиси, гапни чўзмай мақсадга кўча қолайлик.

Қоракўл шаҳри марказидан етти-саккиз километр узоқликда «Искра» колхозининг Янгибозор посёлкаси жойлашган. Бундан ўттиз йил олдин бу жой ўзининг кўркамлиги, одамлар билан гавжумлиги билан район марказидан қолишмасди. Айниқса, Янгибозорнинг қоқ ўртасидан чиққан шифобахш иссиқ сув ҳали-ҳали одамларнинг эсида... Уни область миқёсидаги табиий бойликлар қидирув бўлими ходимлари топишган эди. Микроэлементларга бой бу шифобахш сув қанчадан-қанча беморларни дарддан фориғ этгани рост! Қолаверса, бу масканнинг номи ўша вақтда фақат Ўзбекистондагина эмас, қўшни жумҳуриятларда ҳам маълум эди. Хўш, кейин-чи? Сувнинг одамлар чўмиладиган жойини тоққа беркитишди-да, ўша ердаги касалхонага олиб боришди. 45 даража иссиқликда чиқаётган сув то касалхонага боргунча совуб, ҳеч кимга нафи тегмайдиган бўлиб қолди. Чунки қувурларни иссиқлик чиқармайдиган махсус материал билан ўраш ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди. Шундан сўнг, ўша ерлик баъзи кишилар сувнинг олдинги жойидан очиб, 15-20 тийинлик патта-чек ясаб, чўнтак қаппайтириш йўлига ўтдилар. Район санитария-эпидемиология станцияси ходимлари Янгибозор матлубот жамияти билан келишиб, чиқинди сувнинг бир қисми магазинлар олдидаги ариқчаларга оқиб, ифлослантирмоқда, деган баҳона билан қувурларни қирқиб, кўмиб ташлашди. Балки сув инсон саломатлиги учун зарарли деб тўпилгандир, дерсиз. Аксинча, медицина текширувлари унинг таркибида инсон саломатлиги учун фойдали бўлган йод моддаси борлигини исботлаган эди. Минглаб беморлар дардига дармон бўлган бу шифобахш сув бугунги кунда замин остида қолиб кетди. Одамлар эса 60 километр узоқликдаги иссиқ сувга қатнаб, овора бўлмоқдалар.

Маълум бўлишича, «Искра» колхози правлениеси хўжалик идораси ёнида ҳаммом қурган. Янгибозор билан идора ораси атиги бирикки километр келади, холос. Ҳаммом яқинидан қудуқ қазилган. Электр насоси орқали катта қозонларга сув тўлатилар ва у иситилиб, ҳаммомга берилар экан... Бундай бир ўйлаб қаранг-а. Ўша ҳаммом Янгибозор марказига кўчирилса, юқорида биз тилга олган 45 даража иссиқликдаги шифобахш сув қайта очилиб, ҳаммомга туширилса, колхоз иқтисоди учун фойдали бўлмасмикан? Ҳаммом учун кетадиган сув, тонна-тонна ёқилғи тежаб қолинган бўларди. Колхоз маъмурияти шаҳардаги сингари касса очиб, патта нархини 20 тийиндан белгиланида ҳам беш йилга қолмай бутун харажат қоплаб юборилларди. Ёки бўлмаса, колхоз райондаги қурилиш идораси раҳбарлари билан келишиб, ҳозирча тўрт-беш хонали бино қуриб, уларга биттадан ванна ва душ ўрнатиб, шифохона ташкил қилиши мумкин.

Бу ҳақда кўп жойларга ёзилди. Тегишли идоралардан келиб, сўраб-суриштирдилар. Масалани ҳал этишни колхоз правлениеси зиммасига юклаб кетдилар. Улар эса, бу масала катта маблағ талаб қилар экан, бунинг иложи йўқ баҳонаси билан ишни ўз ҳолига ташлаб қўйдилар.

Аҳоли ушбу шифобахш сувнинг очилишига умид боғламоқда. Қачонгача ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича тураверади? Бу ҳақда район раҳбарлари «Искра» колхози правлениеси билан биргаликда бир ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмас эди.

Н. ҲУСАИНОВ,
Қоракўл район касалхонаси шифокори, СССР соғлиқни сақлаш аълочиси.

ОҚЛАБ ҲУКМ ЧИҚАРИЛДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретари Р. Абдуллаева иши юзасидан суд мажлиси якунланди. 15 январь куни СССР Олий суди уни оқлаб ҳукм чиқарди. Р. Абдуллаева суд мажлиси залида ҳибсдан озод этилди, унинг мол-мулки қайтариб бериладиган бўлди.

Маълумки, Р. Абдуллаева Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитетининг собиқ биринчи секретари М. Худойбергановдан 5 минг сўм миқдорида пора олиш юзасидан бир эпизод бўйича айбланган эди. Дастлабки тергов чоғида у пора олганлигини тан олди. Аммо суд мажлиси бошланиши биланоқ ўзига қўйилган айбларни қатъиян рад этди. М. Худойберганов ҳам ўз кўрсатмаларини ўзгартирди. Уларнинг иккови буни қуйидагича изоҳлашди: биз ўз қариндош-уруғларимизнинг қисматидан хавотирланган эдик, чунки улар ҳамиша қамалиш хавфи остида эдилар, биз тергов томонидан, жумладан, терговчилардан Т. Х. Гдлян ва Н. В. Иванов томонидан маънавий тазйиққа дучор бўлиб, ноҳақ айблаш йўлига ўтишга мажбур бўлдик.

Давлат айблови вакили, СССР Бош прокурорининг катта ёрдамчиси С. Голев тергов материалларини диққат-эътибор билан ўрганиб ва барча далилларни, оз сонли гувоҳларнинг кўрсатмаларини таҳлил этиб, айбловдан воз кечди ҳамда бирдан-бир хулосага, оқлаш керак, деган фикрга келди.

Суд мажлиси давомида Р. Абдуллаева М. Худойбергановдан пора олганлиги факти тасдиқланмади. СССР Олий суди қуйидаги қарорга келди: жиноят ҳодисаси бўлмагани учун Р. Абдуллаева оқлансин. Бу узил-кесил ҳукм бўлиб, шикоят қабул қилинмайди.

Ниҳоят бу ишда сўнгги нуқта қўйилганди. Адолат тантана қилди, асоссиз айбланган киши оқланди ва озод қилинди, аммо...

— Мен ҳукмдан қониққаним йўқ, — деди журналистларга Р. Абдуллаева ҳибсдан озод қилиниши биланоқ. — Халқ ва партия олдида виждоним тоза. Мен ҳеч қачон пора олмаганман ва пора бермаганман. Аммо бу ишни тўқиб чиқарган кишиларнинг номлари судда ҳам, жуда бўлмаганда ҳукмда ҳам тилга олинмади. Суд улар тўғрисида хусусий ажрим ҳам чиқармади.

Ю. СОЛТИС.
ТАСС мухбири.
Москва.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/I да **Ўғрини қароқчи урди** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/I да **Зўлдир** (19.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/I да **Фармонбиби аразлади** (билетлар сотилган 19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 16/I дан бошлаб янги программа **«Иллюзион ревю»** (17, 18/I да 19.30)да.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети ишлар бошқармаси коллективи чорвачилик бошқармасининг бошлиқ ўринбосари Х. Н. Муталовга отаси

Неъмат Амирович МУТАЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Муҳаррир ўринбосари **Т. НАЖМИДДИНОВ.**